БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 108
10 ИЮЛЬ ШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Совет Иттифоқида (1-нчи бет).

СССР темир йўллари электрлаштирилмоқда (1-нчи бет).

Халқ демократияси мамлакатларида (1-нчи бет).

Узбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми (2-нчи бет).

Пахтакор ўртоқлар! Фидокорона меҳнат қилиб, ғўза парваришидаги қолоқликни тугатайлик! Колхоз коммунистлари — ҳосил тўплаш учун кураш ташаббусчилари, **В. Холматов.** — Ўтган йиллардаги хатолар яна такрорланмоқда (3-нчи бет).

С. Махкамов. — Ўртасаройда ғўзанинг ўсиши ўртача (3-нчи бет).

Ал. Бронштейн. — «Строитель» клубининг иши тубдан яхшиланиши керак (3-нчи бет).

Редакция почтасидан (3-нчи бет).

Вьетнам Демократик Республикаси президенти Хо Ши Миннинг Вьетнам информацион агентлиги директорининг саволларига берган жавоблари (4-нчи бет).

Уругвой матбуоти Американинг Гватемалага қилган агрессиясини қаттиқ қораламоқда (4-нчи бет).

Ли Хэ. — Хитой қишлоқ хўжалигининг юксалиши (4-нчи бет).

Район газеталари ишини тубдан яхшилайлик

Матбуот партиямизнинг энг кучли ва энг та'сирли қуролидир. Коммунистик партия кенг меҳнаткашлар блан алоқа қилишда, уларга та'сир кўрсатишда матбуотга таянади. Партия матбуот воситаси блан ҳар кун, ҳар соат кенг меҳнаткашлар оммаси блан сўзлашиб туради, мустаҳкам алоқа боғлайди.

Коммунизм қурилишининг улуғвор программасини амалга ошираётган совет кишиларининг фидокорона меҳнати поёнсиз мамлакатимизнинг ҳамма шаҳар ва районларида мунтазам чиқаётган маҳаллий газеталарнинг саҳифаларида ёритилмоқда. Кўпгина газеталар ишчи ва қишлоқ мухбирлари блан мустаҳкам алоқада иш олиб бормоқдалар, коммунизм қурилиши соҳасида эришган муваффақиятларимизни ёритиб бермоқдалар, камчилик ва нуқсонларни дадиллик блан кўрсатмоқдалар, қишлоқ хўжалиги илғорлари ва социалистик саноатимиз новаторларининг тажрибаларини кенг пропаганда қилмоқдалар. Газеталар меҳнаткашларни коммунизм руҳида тарбиялашда, хўжалик ва сиёсий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда партия ташкилотларининг ўткир қуроли бўлиб келди ва келмоқда.

Гулистон районида чиқадиган «Коммунизм учун» газетаси колхоз қишлоғининг меҳнаткашларига КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорини кенг пропаганда қилмоқда. Газета бу қарорлар асосида район олдида турган конкрет вазифаларни ҳартарафлама кўрсатиб бермоқда. «Коммунизм учун» газетасининг ҳарбир сонида механизаторлар ва колхозчиларнинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш, пахтадан мўл ҳосил олишда эришаётган ютуқларини кенг ёритиб беручи материалларни учратиш мумкин.

Янгийўл районида чиқадиган «Янгийўл» газетаси ҳам колхоз ишлабчиқаришини мустаҳкамлашга, иш унумини оширишга, илғорлар тажрибасини кенг ёритишга алоҳида аҳамият бермоқда.

Аммо ба'зибир район газеталари ҳозирги куннинг вазифалари даражасига кўтарилганлари йўқ. Улар район экономикасининг етакчи тармоқларини юзаки ёритмоқдалар. Илғорлар тажрибасини кенг пропаганда қилиш, агротехника қоидаларини бузиш ҳоллариға қарши кураш олиб бориш ўрнига фактларни қайд қилиш, ишдаги камчилик ва нуқсонларни санаб ўтиш блан кифояланмоқдалар.

Яқинда область партия комитетининг бюросида Ўртачирчиқ район «Мўл ҳосил учун» газетаси редактори ўртоқ Абубакировнинг доклади тингланди. Ма'лум бўлишича, «Мўл ҳосил учун» газета редакцияси КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март Пленумларининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги тарихий қарорларини ҳарбир колхоз ва МТС олдидаги вазифалар блан боғлаб олиб бормаган. Редакция район партия, совет ҳодимлари, қишлоқ хўжалик мутахассисларидан иборат активни ўз атрофига етарли жалб қилаолмаган. Райондаги колхоз ва МТСларда 50 дан ортиқ деворий газета бор, лекин деворий газета редколлегиялари блан газета алоқани мустаҳкамламаган. Редакция ҳодимлари район экономикаси блан, хўжалик тармоқларининг ўсиш преспективалари блан чуқур танишмаганлар. Районда ишлабчиқариш резервларидан фойдаланиш қониқарли бўлмасада, район газетаси МТС ва колхозларнинг ишида бўлган жиддий камчиликлар тўғрисида принципиал танқидий мақолалар босмаётир. Редакция плансиз ишламоқда. Газетанинг саҳифалари кўпинча республика ва область газеталаридан кўчириб олинган катта-катта материаллар блан тўлиб чиқмоқда.

Шунингдек, Бўка районида чиқаётган «Сталин байроғи» газетаси колхоз ва МТС бошланғич партия ташкилотлари ишини, агитколлективлар ва маданий оқартув муассасалари ишини мунтазам ёритмаётир. Газета КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари асосида партия ташкилотлари олдида турган конкрет вазифаларни белгилаб бермаган. Партия раҳбар ходимлари, инструкторлар ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарьлари газета саҳифаларида жуда кам қатнашмоқдалар. Ҳолбуки партия ташкилотлари кейинги вақтларда МТС ва колхозларнинг экономикасини мустаҳкамлаш масалалари блан яқиндан шуғулланмоқдалар, кишлоқда оммавий-сиёсий ишларни кучайтирмоқдалар. Партия ташкилотлари партия раҳбарлигини ишлабчиқаришга яқинлаштиришда дастлабки ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу муҳим масалалар район газетасининг диққат марказида бўлиши керак.

Район газеталарининг ғоявий-сиёсий жиҳатдан юксак даражага, уларни ҳозирги куннинг вазифалари даражасига кўтаришда район партия комитетлари катта роль ўйнайдилар. Шунинг учун ҳам район партия комитетлари ўз газеталарининг ишига жиддий э'тибор беришлари лозим. Аммо ба'зибир район партия комитетлари район газетаси редакциясининг иши блан яқиндан шуғулланмайдилар. Бунга Ўртачирчиқ район партия комитетини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Район партия комитети газетадаги босилиб чиқаётган материалларнинг ғоявий-сиёсий мазмуни ва савияси блан, актуаллиги блан қизиқмайди. Шунингдек, Мирзачўл ва Пискент район партия комитетлари район газетаси ишини редакция ходимларига бутунлай топшириб қўйганлар. Бундай нотўғри практикага чек қўйиш керак.

Район партия комитетлари газета иши блан системали равишда қизиқишлари, районнинг хўжалик ва маданий ҳаётига оид масалаларни газета қандай ёритаётганини кузатиб туришлари зарур. Партия комитетлари газета партиямиз Марказий Комитети Пленумлари қарорларини қандай пропаганда қилаётганлигини, колхоз, совхоз ва МТСлар қандай бажараётганлигини газета саҳифаларида кенг ёритилишини контроль қилиб туришлари керак.

Газеталарнинг бутун фаолияти қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажаришга қаратилиши лозим. Бу масалаларда фақат камчилик ва нуқсонларни қайд этиш ёки танқид қилиш блангина кифояланиш ярамайди. Матбуотнинг энг муҳим вазифаси ҳарбир колхоз, совхоз ва МТСларнинг ишида рўй бераётган камчиликларни тугатишнинг конкрет тадбирларини белгилаб бериш ва уларни кузатишга эришидир.

Бу йил Ўзбекистон пахтакорлари мамлакатга 3 миллион тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Бу шарафли вазифанинг муваффақиятли бажарилишига областимиз меҳнаткашлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари лозим. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш варурки, областьда ғўза парваришида қониқарли эмас. Ўсишдан орқада қолаётган ғўзалар кўп. Ғўза парваришида юз бераётган суст кашлиққа барҳам бериш зарур. Район газеталари қолоқликка қарши курашда асосий роль ўйнашлари керак. Улар ўз саҳифаларида илғорларнинг иш усулларини, юқтиришнчилар ҳаракатини кенг ёритишлари, иш графикларини бажармаслик ва агротехника қоидаларини бузишга қарши шафқатсиз кураш олиб боришлари керак. Район газеталари кенг колхозчилар, совхоз ишчилари, МТС ходимларининг бутун куч ва ташаббусларини пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашга сафарбар этишлари керак.

Қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш — партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг аниқ ва пухта ишлашини талаб этади. Район газетаси колхоз, совхоз ва МТСларнинг, район ташкилотларининг ишида ҳалигача юз бераётган расмиятчилик, қоғозбозлик, мажлисбозликка қарши кескин кураш олиб борини, барча ходимларни, колхозчи ва механизаторларни, қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш, учун актив курашга сафарбар этиши лозим.

Газетанинг мазмуни, матбуот сўзининг ўткирлиги, газетанинг та'сирчанлиги унга ишчи ва қишлоқ мухбирларини кенг қатнаштиришга, қишлоқ хўжалик илғорлари ва мутахассисларини кўпроқ жалб этишга боғликдир. Кенг активлар коллективига таяниб иш олиб борган газеталар агитатор ва коллективларнинг фаолиятини янада оширишга ёрдам беради.

Партиямиз қўлида жанговар қурол бўлган совет матбуоти системасида район газеталари муҳим ва фахрли ўринни эгаллайдилар. Чунки район газеталари оммага энг яқин ва бевосита боғланган газеталардирлар. Шунинг учун ҳам улар партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган тарихий вазифаларни бажаришда қудратли қурол ҳисобланадилар.

Район газеталари партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга меҳнаткаш халқ оммасини сафарбар этишлари, уларнинг ижодий ташаббусини юзага чиқаришда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари керак.

Район газеталарининг коллектив агитатор, коллектив пропагандист ва коллектив ташкилотчилик фаолиятини янада оширайлик!

КУПБОЛАЛИ ОНАЛАРНИНГ МУКОФОТЛАНИШИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Совети Президиуми номидан меҳнаткашлар депутатлари Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган ва Самарқанд область Советлари ижроия комитетларининг тақдимига мувофиқ кўп болали оналардан 5—9 бола туққан ва тарбиялаб ўстирган 381 онани ССР Иттифоқи орденлари ва медальлари блан мукофотлади.

98 она I, II ва III даражали «Оналик Шуҳрати» орденлари блан ҳамда 283 она I ва II даражали «Оналик медали» деган медальлар блан мукофотланди. (ЎзТАГ).

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ ШАРАФИГА

«Ўзбекуголь» трести юк ортучи транспорт бошқармасининг коллективи Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунини меҳнат соҳасида муносиб совғалар блан кутиб олиш учун социалистик мусобақани қизитиб юборди. Бошқарма ишчи ва хизматчилари ўз имкониятларини синчиклаб ҳисобга олиб, темирйўлчилар Кунигача пландан ташқари 37 минг тонна кўмир, 50 минг кубометр тупроқни ташиб бериш, вагонлар оборотини бирмунча ошириш мажбуриятини олдилар.

Бу шарафли мажбуриятни бажаришда илғор машинистлар фидокорона меҳнат қилиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Старший машинистлардан Скворцов ва Суровкин ўртоқлар бошчилик қилаётган паровоз бригадалари ҳар куни кўмир разрезидан белгиланган графикдан ташқари бир эшелондан ёқилғи ташимоқдалар. Мисюк ва Ли Мен-Хо ўртоқлар бошчилигидаги тупроқ ташучи паровоз бригадалари ҳам кундалик топшириқни ошириб бажармоқдалар.

Темир йўл қуручилар ҳам ўз зиммаларига олган янги мажбуриятни муддатидан илгари ҳамда сифатли қилиб бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Улар қурилишга янги техникани, жумладан, шаллаpни ЖС-4 машинасида электр қуввати ёрдами блан ўрнатишни татбиқ қилиш натижасида меҳнат унумини уч ҳисса оширишга муваффақ бўлдилар.

Темирйўлчилар байрамини муносиб совға блан кутиб олишда бошқа ишчилар ҳам илғорлардан ўрнак олиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Совет Иттифоқида

Ярим йиллик программа бажарилди

УФА. «Башнефть» бирлашмасининг кончилари нефть чиқариш ярим йиллик программасини бажардилар ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20,5 процент кўпроқ суюқ ёнилғи чиқардилар.

* * *

АЛЕКСАНДРИЯ, (Кировоград области). Байдаков кўмир разрезининг коллективи кеча ярим йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарди. Бир суткада чиқариладиган ёқилғи миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 17,3 процент кўпайди, кончиларнинг меҳнат унуми эса 22 процент ошди. Экскаватор ва электровоз машинистларининг ҳар иккитасидан биттаси ҳозирдаёқ 8 — 9 ойлик топшириқни бажарди.

* * *

ВОРОШИЛОВ, (Приморье ўлкаси). Иман ва Нижне-Даубихин ўрмон саноати хўжаликлари олти ойлик топшириқни бажардилар. Улахин ўрмон саноати хўжалигининг коллективи етти ойлик планнинг бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди. (ТАСС).

Пландан ташқари газлама

Главмосхлоппром корхоналари ярим йиллик пландан ташқари 4 миллион 200 минг метрдан кўпроқ ип газлама ва штапель газлама чиқарди. Гулдор зефир, гафта, вельвет, яримбархит ва бошқа шу сингари газламаларни чиқариш кўпайтирилди. Ярим йил ичида 50 тадан кўпроқ янги нусха газламаларни чиқариш йўлга қўйилди.

Тўқимачилар йилнинг иккинчи ярмида ишлаб чиқармоқ учун ип газлама ва штапель газламаларнинг 30 та янги нусхасини тайёрлаб қўйдилар. (ТАСС).

Пропагандистлар тайёрлаш

ОЛМАОТА. Олмаота, Жамбул, Толдиқўрғон, Қизилўрда, Ғарбий Қозоғистон, Жанубий Қозоғистон ва Гурьев область партия комитетлари ҳузурида пропагандистларни қайтадан тайёрлайдиган ойлик курслар ишга бошлади.

Қозоғистон КП область ва шаҳар комитетлари ҳузуридаги курсларда ёз фаслида 4 мингдан кўпроқ пропагандист қайтадан тайёрлаб чиқарилади.

* * *

КОСТРОМА. Бу ерда область партия комитети ҳузуридаги қишлоқ пропагандистлари курсларида машғулотлар бошланди.

Курсларда партия тарихи, философия юзасидан лекциялар ўқилади. Курсантлар қишлоқ хўжалик илғорларининг тажрибаси блан танишадилар. Бирнеча экскурсия, шу жумладан «Караваево» совхозига экскурсия ташкил қилинади. Курсларда қишлоқ пропагандистларидан 250 киши ўқийди.

* * *

НАЛЬЧИК. Кабарда область партия комитети ҳузурида пропаганда ходимларини қайта тайёрлаш учун ташкил қилинган ойлик курсларда бугун машғулотлар бошланди. 100 дан кўпроқ киши машғулотларни область партия комитети секретарьлари ва бўлим мудирлари, Кабарда педагогика институтининг ўқитучилари ўтказади. (ТАСС).

Горький. В. М. Молотов номидаги автомобиль заводида «Победа» маркали енгил автомобильлар эстакад конвейер усули блан йиғилмоқда. **Суратда:** автомобильларни эстакад усули блан йиғиш.
П. Вознесенский фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).



Москва области. Раминский районидаги «Вперед к коммунизму» колхозининг далаларида «ДДП—30 с» маркали ёмғир установкаси ишламоқда. **Суратда:** янги ёмғир установкаси.
П. Кулешов фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

КОМБАЙНЧИЛАРНИНГ БУТУН ИТТИФОҚ МУСОБАҚАСИ

Қозоғистон механизаторларининг жавоби

ОЛМАОТА. Кундалик топшириқларни ошириб бажариш учун ва ҳарбир комбайн агрегати блан мумкин қадар кўпроқ дон янчиб бериш учун мусобақани авж олдириб юбориш тўғрисида Ставрополь ўлкаси, Петровский МТСи комбайнчилари томонидан қилинган таклифга Қозоғистон механизаторлари қизғин суратда қўшилмоқдалар.

Павлодар областидаги Падоровский МТСи бу йил кўкламда колхозларда 18.800 гектар қўриқ ва бўз ер очиб, шу ерларга буғдой экди. Янги очилган ерлар миқдори эскидан экилиб келган ерларга баравар келади, деса бўлади. Экин майдонларининг анча кенгайтирилганлиги ва ҳосилнинг яхши бўлиши кутилаётганлиги МТС механизаторларидан ўримйиғимга ўз вақтида яхши тайёрланишни, ҳарбир ўрим-йиғим машинасини узлуксиз ишлайдиган ҳолга келтиришни талаб қилмоқда. Республикада машҳур комбайнчи Петр Музика донни учинчи марта тозалаб берадиган агрегат ясади. Бу эса комбайндан чиққан донни хирмонга тозалаш учун юбормай, тўғридан-тўғри тайёрлаш пунктига жўнатишга ва кўпгина колхозчиларни бошқа ишлар учун ажратишга, сарф қилинадиган меҳнат ва воситаларни камайтиришга имкон беради. Падоровский МТСининг ҳамма комбайнчилари ҳозирги вақтда Петр Музикадан ўрнак олиб, ўрим-йиғим агрегатларига донни учинчи марта тозалаб берадиган асбоб ўрнатмоқдалар.

Жамбул областидаги Ленин номли совхозда комбайнчи В. Пролетарский агрегатининг коллективи кундалик топшириқларни ошириб бажариш ва мумкин қадар кўпроқ дон янчиб бериш учун бошланган мусобақага қўшилди. Кеча бу коллектив галла ўришга киришди. Комбайнчи Пролетарский биринчи куниёқ «Сталинец — 6» маркали икки комбайнни биргаликда ишлатиб, 60 гектар ернинг галласини ўриб берди ва ҳарбир гектардан 20 центнердан дон янчди.

Ставропольчиларнинг чақириғи блан Қозоғистоннинг минглаб комбайнчилари мусобақага қўшилмоқдалар.

Техникадан юқори унумли файдаланиш

ОДЕССА. Областьнинг жанубий ва марказий районларидаги колхозлар ва совхозлар галлани ҳамма жойда ўриб-йиғиб олмоқдалар. Кўпгина комбайнчилар ишга тушган кунлариданоқ техникадан юқори унумли фойдаланиш намуналарини кўрсатмоқдалар. Измаил МТСи «Сталинец — 6» комбайнларининг ҳайдовчилари Андрей Литвиненко, Иван Мальченко, Федор Климинченколар ҳар куни 17—18 гектар куғи буғдой ҳосилини ўриб бермоқдалар ва ҳарбир комбайнчи донгдор комбайнчиси Петр Балабан Киров номли колхоз далаларида 6 кундан бери ишламоқда. У ҳар сменада ўрта ҳисоб блан 24 гектар ернинг галласини ўриб ва янчиб бермоқда.

Машиналарнинг тўхтовсиз ишлаётганлиги, соат графиги жорий қилинганлиги, комбайн ишлаб турган пайтда унинг бункеридан галла бўшатиб олинаётганлиги ва меҳнатнинг бошқа прогрессив методлари жорий қилинганлиги сабабли илғор механизаторлар мана шундай муваффақият қозонмоқдалар.

Механизаторлар Ставрополь ўлкаси, Петровская МТСи комбайнчиларининг ватанпарварлик чақириғига қизғин суратда қўшилдилар. Кундалик топшириқларни ошириб бажариш учун ва ҳарбир агрегат блан мумкин қадар кўпроқ галла янчиб бериш учун бошланган мусобақага областьнинг юзлаб комбайнчилари қўшилиб, зўр ғайрат блан ишламоқдалар.

8 июль. (ТАСС).

СССР темир йўллари электрлаштирилмоқда

Йўллар министрлиги электрлаштириш ва энергетика хўжалиги бош бошқармасининг бошлиғи Н. А. ЛОМАГИН блан суҳбат

Мамлакатимизнинг кўпгина темир йўл магистралларида узоққа электр қуввати беручи симлар бирнеча минг километрга чўзилиб кетган. Локомотивнинг энг мукаммал тури бўлган электровоз кейинги йилларда темир йўл транспортида катта ўрин олабошлади. Урал, Сибирь, Закавказьедаги юк энг кўп ташиладиган ва юриш энг қийин бўлган участкалар, Москва узелининг шаҳар атрофидаги деярлик ҳамма йўлларида электровозлар юра бошлади.

Бундан ташқари, Ленинград, Киев, Рига, Боку, Куйбишев, Таллин ва Омск темир йўл узелларининг бирқанча шаҳар атрофи участкалари ҳам электрлаштирилди. Электрлаштирилган магистрал йўлларда Челябинск, Свердловск, Перм, Мурманск, Тбилиси ва Новосибирск узелларидаги шаҳар атроф, ва маҳаллий поездлар электровозлар блан юритиладиган бўлди.

Темир йўлларнинг электрлаштирилганлиги транспортнинг техника қувватини оширишда янги ва янада юқори босқичдир. Электровозларнинг ишлатилиши участкаларнинг кўпроқ поездларни ўтказишга ва кўпроқ ташишлигига имкон беради, ёқилғини анча тежашни та'минлайди, локомотив бригадаларининг меҳнат маданиятини оширади. Йўлнинг шароитига караб, бир электровоз иккита ва ундан ҳам кўпроқ кучли паровознинг ишини бажаради.

Темир йўллардаги электрлаштирилган участкаларнинг сони йилдан-йилга кўпайтирилмоқда. Закавказ темир йўлининг Сурами довонида 1932 йилда СССРда биринчи марта электровозлар ишга солинган эди. Улуғ Ватан уруши бошланмасдан олдин бизнинг мамлакатимизда икки минг километрга яқин темир йўл электрлаштирилган эди. Ҳозирги вақтда (бир йўлга айлантириб ҳисоблаганда) 9 минг километрга яқин темир йўл электрлаштирилди ва ишга туширилди. Бешинчи бешйиллик даврида бундан олдинги бешйилликдагига қараганда 4 баравар кўпроқ темир йўлни электрлаштириш мўлжалланади. Новокузнецк — Инская—Омск—Челябинск—Дема — Куйбишев — Сизрань йўли электрлаштирилган темир йўлларнинг энг узуни бўлади. Бу йўлнинг у бошидан бу бошигача бўлган масофа уч минг километрга етади.

Бу йил темир йўлларнинг электрлаштирилган участкаларидан кўпи ишга тушириллди. Куломзино — Омск, — Москвка, Цхалтубо — Брецеула, Самтредиа — Батуми, Крюково — Клин, Барабинск — Чулимская ва бошқа бирқанча йўллар мана шундай электрлаштирилиб, бу йил ишга туширилган йўллардандир. Барабинск — Татарская участкаси электрлаштирилиб бўлди ва яқин фурсатда ишга туширилди. Цхакая — Сухуми ҳамда Шимолий темир йўлнинг Савеловский томонидаги Москвадан Икшигача бўлган участкаларини электрлаштириш ишлари битай деб қолди. Бу участка ишга туширилиши блан Москва узелидан чиқадиган темир йўлларнинг ҳаммаси тўла равишда электрлаштирилган бўлади. Москва—Курск — Донбасс магистралининг Москвадан Серпуховогача бўлган участкасида юк ва узоққа қатнайдиган пассажир поездларнинг ҳаммаси яқин кунларда электровозлар блан юритиладиган бўлади. Уфа темир йўлининг Дема — Кропачево участкаси бу йил ишга туширилади.

Темир йўлларни электрлаштириш ишларининг кўпчилиги поездлар қатновини тўхтатмасдан олиб борилмоқда. Ишни бу тартибда бажариш анча мушкуллик туғдиради, чунки ҳаракат графиги темир йўлларнинг ишлаши учун мустаҳкам қонундир. Крюково — Клин участкасидагина 1500 тадан кўпроқ симёғоч ўрнатиб, буларга 124 километр электр сими ўрнатишга тўғри келди. Шу блан бир вақтда пассажирлар учун 20 та темир-бетон платформалар қурилди.

Темир йўлларни электрлаштиришда қурилишнинг индустриал методлари тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Платформаларнинг кўпчилиги заводларда тайёрланиб келган темир-бетон блокларидан қурилмоқда. Симёғоч устунларнинг ва метал фермаларнинг фундаментлари ҳам олдиндан тайёрланиб қўйилмоқда.

Проектчилар Москва узелидаги Серпухов—Скуратово, Апреловка — Нара, Голицино—Можайск, Раменское — Рязань, Ожерелье — Павелец, Клин — Калинин участкаларини электрлаштириш проектлари устида ишламоқдалар. Москва атрофида бир паровоз депосидан иккинчи паровоз депосигача борадиган участкалар электрлаштирилади. Бу эса, келгусида Москва темир йўлида паровозлар ўрнига нуқул электровозлар ишлатишга имкон беради.

Яқин йиллар ичида Шимолий Кавказ, Закавказье, Томск, Львов ва мамлакатнинг бошқа темир йўлларида электрлаштирилаётган участкалар ишга туширилади. Куйбишев ва Сталинград гидроэлектростанциялари қурилиб битгандан кейин темир йўлларни электрлаштириш учун айниқса катта имкониятлар очилади. Жуда кўп миқдордаги арзон электр қуввати яна бирнеча ўн минг километрлаб йўлни электрлаштириш имкониятини туғдиради. (ТАСС).

Халқ демократияси мамлакатларида

* * *

Болгария жамоатчилиги А. П. Чехов хотирасини ҳурмат блан эсга олмоқда

СОФИЯ, 8 июль. (ТАСС). Болгария телеграф агентлиги хабар беради: Болгария Фанлар академиясида улуғ рус ёзувчиси А. П. Чехов вафот этган куннинг 50 йиллиги муносабати блан илмий сессия бўлиб ўтди.

Сессияда отоқли жамоат арбоблари, маданият арбоблари илмий ходимлар, ёзувчилар, София студентлари ва меҳнаткашларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

А. П. Чеховнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида Болгар адабиёти институтининг директори академик Людмил Стоянов доклад қилди.

Давлат олий театр мактабининг профессори Стефан Каракостов Чехов пьесаларининг болгар саҳнасида қўйилиши ҳақида сўзлаб берди. У болгар театрининг реализм йўлидан ривожланишида Чехов драматургиясининг муҳим роль ўйнаганлигини та'кидлаб ўтди.

17 октябрь — Германия Демократик Республикаси Халқ палатасига сайлов куни

БЕРЛИН, 8 июль. (ТАСС). АДН агентлиги хабар беради, Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг раиси Иоганнес Дикман демократик блокнинг таклифини қўллаб, ГДР конституциясининг 58-нчи моддасига мувофиқ Халқ палатасига сайловни 1954 йил 17 октябрь якшанба кунига тайинлади. Айни бир вақтда у Германия Демократик Республикаси бош министри Отто Гротевольга мурожаат қилиб, сайлов қонуни проектини тасдиқлаш учун Халқ палатасига тақдим этишни илтимос қилди.

Албаниянинг озод қилинганига ўн йил тўлиши шарафига

ТИРАНА, 8 июль. (ТАСС). Кўпгина илғор корхоналарнинг коллективлари Албаниянинг озод қилинганига 10 йил тўлишини меҳнат соҳасида янги ғалабалар блан кутиб олиб, йилнинг биринчи ярми ишлабчиқариш планларининг тўла ва ошириб бажарилганлиги тўғрисида хабар қилмоқдалар.

Патос нефтьчилари ва Сталин шаҳридаги нефть тозалаш корхоналарининг ишчилари ярим йиллик планни 27 июньдаёқ бажарган эдилар. Тиранадаги жун газлама тўқиш фабрикаси пландан ташқари 20.585 метр газлама тўқиб чиқарди. Тиранадаги Мисто Маме номли ёғоч буюмлар ишлаш фабрикасининг ишчилар коллективи олти ойлик планни 9 процент ошириб бажарди. Республиканинг бошқа кўпгина корхоналари ҳам ярим йиллик планларнинг бажарилганлигини хабар қилдилар.

Дастлабки ма'лумотларга кўра, мис руда, битум қазиб чиқариш, цемент, жун газлама ишлаб чиқариш планлари ошириб бажарилган.

Болгарияда электростанциялар каскади қурилмоқда

СОФИЯ, 8 июль. (ТАСС). Ғарбий Болқонда Петрохан давони яқинида «Петрохан» электростанциялари каскадини қуриш ишлари бошланди. Тоғ ораларидаги ҳамма сувлар қазилган каналлар бўйича бир томонга, шимолга қараб оқади ва катта сув омборида тўпланади.

Тоғ ораларида бирнеча километр жойда қурилиш ишлари қизиб кетди. Биринчи иншоот денгиз сатҳидан 1630 метр баландликда қурилмоқда. Тоғ ёнбағирларида кенг йўллар, кўприклар, тор изли йўллар қурилмоқда, тоннельлар қазилмоқда. Қурилишнинг асосий об'ектларидан бири бош каналдир. Бу канални қуришда канал қуришнинг янги, Совет методлари кенг қўлланилади. Канал 14 та тоннель орқали ўтади, бу тоннельлардан ба'зилари 300 метрдан узун бўлади.

Петрохан тоғларидан оқиб тушган сувлар унумдор водийларни суғоради ва бирқанча электростанцияларни ишлатади. Биринчи навбатда учта гидроэлектростанция қуриш кўзда тутилади.

Венгрия ҳукумати составидаги ўзгаришлар

БУДАПЕШТ, 8 июль. (ТАСС). Венгрия Халқ Республикаси Президуми Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Эрне Герени ички ишлар министри вазифасидан озод қилиб, унга бошқа муҳим ишни топширди ҳамда Ласло Пирошни ички ишлар министри қилиб тайинлади.

Тайёрлаш министри Иожеф Тисага бошқа муҳим иш топширилганлиги муносабати блан у ўз вазифасидан озод қилинди ҳамда бу вазифага Андраш Собек тайинланди. Андраш Собек Венгриянинг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси вазифасидан озод қилинди.

Ички ва ташқи савдо министри Иожеф Богнар ўз вазифасидан озод қилинди ва ички савдо министри қилиб тайинланди. Ласло Хай ташқи савдо министри қилиб тайинланди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми

7—8 июльда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **А. Э. Ниёзов**нинг «КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг «Кўкламги экишнинг якунлари, экинларни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарлик кўриш ва 1954 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш планининг бажарилишини та'минлаш тўғрисида»ги қарори ва шу қарорни бажариш соҳасида Ўзбекистон партия ташкилотларининг вазифалари» деган докладини тинглади ва муҳокама қилди ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни муҳокама қилди.

Пленум **И. В. Бабков** ва **Ҳ. Ғуломов** ўртоқларни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретарьлари ва бюро а'золари қилиб сайлади.

Пленум ўртоқ **Г. А. Габриельянни** Ўзбекистон КП Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири қилиб тасдиқлади.

Пленум ишларида район ва шаҳар партия комитетларининг секретарьлари, район ижроия комитетларининг раислари, МТС ва машина-экскаватор станцияларининг директорлари. ба'зи колхозларнинг раислари ҳамда илмий муассасаларнинг ходимлари иштирок қилдилар.

☆ ☆ ☆

Докладчи айтдики, Ўзбекистон партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорларига, СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида» чиқарган қарорига амал қилиб, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ва биринчи навбатда пахтачиликни юксалтириш соҳасида катта ишлар қилмоқда. Республика колхозлари ва совхозлари кўкламги экишни анча уюшқоқлик билан ўтказдилар. Бу йил кўкламда планда мўлжалланганига қараганда чигит 143 минг гектар кўп экилди.

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорини ва ҳамма тадбирларимиз,— та'кидлади докладчи,— барча экин майдонларида ғўзанинг ўсишидаги қолоқликни тезроқ тугатиш, ҳамма майдонларда ғўзанинг июль ўрталаридан кечикмай гуллашини та'минлаш, ғўзани юқори сифатли ва ўз вақтида парвариш қилиш йўли билан ундаги шоналарни мумкин қадар кўпроқ кўсакка айлантириш ва айниқса дастлаб тукган кўсакларни кўп миқдорда сақлаб қолиш, ғўзани чеканка қилишни ўз вақтида ўтказиш вазифаларига бўйсундирилиши лозим.

Маҳаллий партия ва қишлоқ хўжалик органлари бошқа экинларни ва айниқса картошка, сабзавот, қовун-тарвуз, толали экинлар ҳамда тамаки сингари муҳим экинларни, боғлар ва токзорларни парвариш қилишга э'тиборни сусайтириб қўйдилар-ки, бу, бутунлай йўл қўйиб бўлмайдиган камчиликдир.

Республикада пилла тайёрлаш қониқарсиз бормоқда. Фақат Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРгина планни бажарди. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро областлари эса пилла тайёрлаш ишларини айниқса ёмон ўтказдилар. Пилла тайёрлаш планини ҳеч сўзсиз бажариш мақсадида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети такрорий қурт боқишни катта ҳажмда ўтказишга қарор қилдилар. Такрорий қурт боқиш маҳаллий партия, совет органларининг доимий контроли остида ўтказилиши лозим.

Ўртоқ Ниёзов сув хўжалик қурилиши ва янги ерларни ўзлаштириш билан алоқадор бўлган масалаларни анализ қилиб, пахта етиштиришни янада кўпайтириш яқин йиллар ичида республикада камида 600 минг гектар янги ва партов ерларни ўзлаштиришни талаб қилади деб та'кидлади.

Иттифоқ ҳукумати сув хўжалик қурилиши планини амалга оширишда Ўзбекистонга катта ёрдам кўрсатмоқда. Республикада катта қурилиш ташкилотлари ташкил қилинди ва улар кучли техника билан та'минланди. Лекин бу ташкилотлар механизмлардан ёмон фойдаланмоқдалар. Сув хўжалиги министрлиги, шунингдек қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари Калижнюк, Айтметов, Терситский ва Мичурин ўртоқлар ўз ишларида кам ташаббус кўрсатмоқдалар. Энг муҳим ирригация об'ектларини қуриш ва ҳозир фойдаланилмасдан ётган катта-катта ер майдонларини ишга солиш тадбирлари уларнинг айби билан амалга ошмай қолди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми сув хўжалик қурилишига кун сайин раҳбарлик қилиш, ёрдам беришни республика Министрлар Советига топширган эди, лекин республика Министрлар Совети бу топшириқни қониқарсиз бажармоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси Пленум қарорларининг бажарилиши устидан ҳали ҳам тузук контрольлик қилмаётир.

Биз 150—160 минг гектар партов ва янги ерларни очиб келгуси йил кўкламида экишга тайёрлаб қўйишимиз лозим. Шу мақсад билан август ойининг иккинчи ярмида ва сентябрь ойининг биринчи ярмида ирригация-мелиорация соҳасидаги энг зарур ишларни бажармоқ учун колхозчиларни ёппасига ишга олиб чиқишни ташкил қилиш ва бу ишда ер қазиш техникасидан кенг фойдаланиш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида Ўзбекистон партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг чорвачиликни ривожлантиришга раҳбарлик соҳасидаги ишлари танқид қилинди. Республикада чорвачилик қишлоқ хўжалигининг қолоқ тармоғи бўлиб келмоқда ва ҳали ҳам уюшқоқсизлик билан олиб борилмоқда.

Чорва моллари ем-хашак билан етарли миқдорда та'минламаганлиги ва чорва моллари учун мувофиқ бинолар бўлмаганлиги сабабли 1953—1954 йилнинг қишида ёш моллларнинг кўп нобud бўлишига йўл қўйилди.

Чидаб бўлмайдиган бу фактлардан ҳали ҳам зарур хулосалар чиқариб олингани йўқ. Республиканинг кўпчилик областьларида ем-хашак тайёрлаш ишлари йўл қўйиб бўлмаслик даражада суст бормоқда. Бу иш айниқса Андижон, Фарғона, Наманган, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда ёмон ташкил қилинган.

Чорвачиликни ривожлантириш давлат планининг ҳеч сўзсиз бажарилишини та'минлаш, чорва молларини қишда иссиқ биноларда тўйдириб боқиш учун зарур тайёргарликни кўриб қўйиш, чорва моллларининг ҳаммасини нобud қилмай сақлаб қолиш, чорва моллларининг ҳамма турлари бўйича чорвачиликни ривожлантириш планини бажармаган колхозларга чорва моллларини давлат мажбуриятларини бажаришдан ташқари мақсадлар учун сотиш ва сўйишларни тақиқлаб қўйиш, ем-хашакни етарли миқдорда тайёрлаш зарур.

Докладчи ҳосил йиғим-теримига тайёрланиш ва бу ишни ўтказиш масалаларига муфассал тўхталиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида колхозлар ва совхозларни кузги ва баҳори экинларни экиш учун ўз уруғликлари билан та'минлаш масаласи жуда кескин қилиб қўйилди. Республика партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари галла топшириш давлат планининг бажарилишини та'минлаш билан бирқаторда, ҳар қайси колхоз ва совхознинг ўз эҳтиёжини тўла қоплайдиган миқдорда юқори сифатли сархил уруғликларни жамғариб қўйишларига алоҳида аҳамият беришлари лозим.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорида жуда тўғри кўрсатиб ўтилганидек, пахта териш машиналаридан фойдаланишда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли республикада пахта тайёрлашга бирнеча йиллардан бери ҳаддан ташқари кўп вақт сарф қилинмоқда.

Ўтган йилги қўпол хатолар бу йил ҳам такрорланмоқда. Пахтаси машина билан териб олиниши лозим бўлган участкаларни ажратиш ҳали ҳам тугаллангани йўқ. Кўпгина колхозларда чопиқ тракторида ишловчи механизаторлар пахтаси машина билан териб олинадиган бригада ва участкаларга бириктириб қўйилмаган, ғўзани ишлашда агротехника талаблари бузилмоқда ва далаларни пахта терадиган машиналарнинг ишлаши учун мослаб қўйишга э'тибор берилмаётир. Механик-ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ёмон ташкил этилган. Пахта териш ва кўсак чувиш машиналарини ремонт қилиш ва тайёрлаш ишлари жуда суст бормоқда. Терим бошланиши олдидан ғўза баргларини тўкдириб юборишга тегишли дориворларни ўз вақтида ташиб олиш юзасидан зарур чоралар кўрилмаётир. Колхозларда мавжуд сушилкаларни ремонт қилиш ва янгиларини қуриш, бригада ва звеноларга қарашли хирмонларни, тош-торозиларни, транспорт воситаларини ремонт қилиш, шийпонлар, саройлар қуриш ишлари ҳали бошланмаган йўқ.

Бу ишларга дарҳол киришиш керак. Ўзбекбирлашув колхозларга бинокорлик материалларини элтиб беришда катта оперативчилик кўрсатиши лозим. Республиканинг саноат корхоналари сушилкалар қуриш учун керак бўладиган ускуналарнинг ҳаммасини яқин фурсат ичида етказиб беришга мажбурдирлар. Бутун транспорт ва йўллар пахтани тўхтовсиз ташиб олишни та'минлайдиган қилиб тайёрлаб қўйилиши, пахта тайёрлаш пунктлари ва заводлари пахтани қабул қилиб олиш, сақлаш ва тозалашга тахт қилиниши керак.

Докладчи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиб олиш давлат планларининг бажарилишини та'минлаш масалаларига тўхталиб ўтди.

— Бизнинг вазифамиз шундан иборатки,— деди ўртоқ Ниёзов,— қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиб олиш ишларига раҳбарликни яхшиламоқ учун давлат интизомини мустаҳкамлашимиз, партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органларининг раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтириб, уларнинг колхозлар, совхозлар ва якка тартибда топширучилар томонидан давлат олдидаги ҳамма мажбуриятларинг бажаришлари учун жавобгарликларини оширишимиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиб олиш планларининг бажарилишини та'минлашимиз лозим.

Ўртоқ Ниёзов партиявий-сиёсий ва ташкилий ишлар аҳволини анализ қилиб айтдики, қишлоқдаги партиявий-сиёсий ва партиявий-ташкилий ишларнинг савияси ва миқ'ёси ҳали ҳам янги талаблар даражасида эмас. Ба'зи обкомлар ва кўпгина район партия комитетлари ўз ишларини қайта қуришни юзаки ўтказдилар, шунинг учун ҳам ҳанузгача эски методлар билан ишлаб келмоқдалар ва қишлоқ хўжалигига ишнинг кўзини билмай, юзаки раҳбарлик қилмоқдалар.

Қишлоқда оммавий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда жиддий камчиликлар бор. Сиёсий агитацияни амалий вазифалар боғламаган ҳолда, муайян мақсадни кўзламасдан бориш ҳоллари ҳали ҳам айрим жойларда учраб туради.

Кўпгина районлар, колхозлар ва МТС-ларнинг партия ташкилотлари социалистик мусобақага мутлақо қониқарсиз раҳбарлик қилмоқдалар, мўл ҳосил усталарининг тажрибаларини кўнгилдагидек умумлаштирмаётирлар ва ёймаётирлар. Социалистик мусобақани ташкил қилишда тантанабозлик сингари зararли дабдабаларга йўл қўйилмоқда, айрим жойларда олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига мас'улиятсизлик билан, расмиятчилик билан қараш ҳоллари бор ва бундай ҳоллларга қарши кураш олиб борилмаётир.

Қишлоқда партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйишдаги камчиликларга кўп жиҳатдан шу нарса сабаб бўлмоқдаки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси область ва район партия комитетлари ишларидаги камчилик ва хатоларни кўпинча ўз вақтида очиб ташламаётир, Марказий Комитет аппарати партия комитетларининг ишларидаги яхши тажрибаларни ўрганиш ва ёйишга етарлик э'тибор бермаётир.

Ўзбекистон ССРнинг барпо бўлганига 30 йил тўлган кун яқинлашмоқда. Бу улуғ кун 1954 йил декабрь ойида нишонланади. Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик байрамига тайёргарлик хўжалик ва маданий қурилишда янги муваффақиятлар учун умумхалқ курашини авж олдириш белгиси остида ўтказилиши лозим. Партия ташкилотлари Ўзбекистон ССР 30 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган оммавий социалистик мусобақани ривожлантириб юборишлари ва шу асосда республика меҳнаткашларининг сиёсий ҳамда ишлабчиқариш активлигини янада зўр куч билан юксалтиришга эришишлари лозим.

— Пахтачиликни янада юксалтириш учун кураш,— деди правардида ўртоқ Ниёзов.— Ўзбекистон партия ташкилотининг ишидаги асосий вазифадир. Пахта етиштиришни кўпайтириш билан ўзбек халқи социалистик Ватанимизнинг кучқудратини мустаҳкамлаш ва уни янада яшнатиш ишига, тинчликни ва халқлар хавфсизлигини сақлаш ишига, совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш ишига ҳисса қўшади. Пахта етиштиришни янада кўпайтириш бутун ўзбек халқининг ватанпарварлик бурчидир, шарафли ишидир.

Ўртоқ Ниёзов доклади юзасидан музокаралар бошланди.

Музокарага чиққан ўртоқлар Ўзбекистон меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорини зўр хурсандчилик билан кутиб олганликларини қайд қилдилар.

Фарғона область партия комитетининг секретари ўртоқ **Қамбаров** айтдики, область колхозлари КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумлари қарорларини бажариб, бу йил кўкламда чигитни ўтган йилдагига қараганда 16.700 гектар кўп экдилар. Броқ, ғўзанинг ўсиши 10—15 кун кечикмоқда. Бунинг сабаби, дастлаб шундаки, область партия комитети бюроси ва область ижроия комитети ғўзани парвариш қилиш ишларини етарлича кучайтириб юбормадилар. Ҳозирги вақтда область партия комитети ва ижроия комитети ғўзанинг ривожланишидаги жиддий қолоқликни тугатмоқ ва пахта тайёрлаш планининг ҳеч сўзсиз бажарилишини та'минлайдиган миқдорда ҳосил тўпламоқ учун дала ишлари сур'атини ошириш ва сифатини яхшилаш чораларини кўрмоқда.

Ўртоқ Қамбаров Қўқон группасидаги районларнинг колхозлари устидан оталик олиб, бу колхозларга ҳечқандай ёрдам бермаётган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва СоюзНИХИ ходимларини танқид қилди.

Правардида ўртоқ Қамбаров Марказий Фарғона ерларида тўртта пахтачилик совхози ташкил қилиш масаласини қўйди.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Жалилов** область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эришган ба'зи муваффақиятларини қайд қилгандан кейин колхозлар, совхозлар, МТСлар, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ишларидаги жиддий камчиликларга тўхталиб ўтди.

— Бизнинг вазифамиз шундан иборатки,— деди ўртоқ Ниёзов,— қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиб олиш ишларига раҳбарликни яхшиламоқ учун давлат интизомини мустаҳкамлашимиз, партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органларининг раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтириб, уларнинг колхозлар, совхозлар ва якка тартибда топширучилар томонидан давлат олдидаги ҳамма мажбуриятларинг бажаришлари учун жавобгарликларини оширишимиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиб олиш планларининг бажарилишини та'минлашимиз лозим.

Ўртоқ Ниёзов партиявий-сиёсий ва ташкилий ишлар аҳволини анализ қилиб айтдики, қишлоқдаги партиявий-сиёсий ва партиявий-ташкилий ишларнинг савияси ва миқ'ёси ҳали ҳам янги талаблар даражасида эмас. Ба'зи обкомлар ва кўпгина район партия комитетлари ўз ишларини қайта қуришни юзаки ўтказдилар, шунинг учун ҳам ҳанузгача эски методлар билан ишлаб келмоқдалар ва қишлоқ хўжалигига ишнинг кўзини билмай, юзаки раҳбарлик қилмоқдалар.

Қишлоқда оммавий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда жиддий камчиликлар бор. Сиёсий агитацияни амалий вазифалар боғламаган ҳолда, муайян мақсадни кўзламасдан бориш ҳоллари ҳали ҳам айрим жойларда учраб туради.

Кўпгина районлар, колхозлар ва МТС-ларнинг партия ташкилотлари социалистик мусобақага мутлақо қониқарсиз раҳбарлик қилмоқдалар, мўл ҳосил усталарининг тажрибаларини кўнгилдагидек умумлаштирмаётирлар ва ёймаётирлар. Социалистик мусобақани ташкил қилишда тантанабозлик сингари зararли дабдабаларга йўл қўйилмоқда, айрим жойларда олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига мас'улиятсизлик билан, расмиятчилик билан қараш ҳоллари бор ва бундай ҳоллларга қарши кураш олиб борилмаётир.

Қишлоқда партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйишдаги камчиликларга кўп жиҳатдан шу нарса сабаб бўлмоқдаки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси область ва район партия комитетлари ишларидаги камчилик ва хатоларни кўпинча ўз вақтида очиб ташламаётир, Марказий Комитет аппарати партия комитетларининг ишларидаги яхши тажрибаларни ўрганиш ва ёйишга етарлик э'тибор бермаётир.

Ўзбекистон ССРнинг барпо бўлганига 30 йил тўлган кун яқинлашмоқда. Бу улуғ кун 1954 йил декабрь ойида нишонланади. Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик байрамига тайёргарлик хўжалик ва маданий қурилишда янги муваффақиятлар учун умумхалқ курашини авж олдириш белгиси остида ўтказилиши лозим. Партия ташкилотлари Ўзбекистон ССР 30 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган оммавий социалистик мусобақани ривожлантириб юборишлари ва шу асосда республика меҳнаткашларининг сиёсий ҳамда ишлабчиқариш активлигини янада зўр куч билан юксалтиришга эришишлари лозим.

— Пахтачиликни янада юксалтириш учун кураш,— деди правардида ўртоқ Ниёзов.— Ўзбекистон партия ташкилотининг ишидаги асосий вазифадир. Пахта етиштиришни кўпайтириш билан ўзбек халқи социалистик Ватанимизнинг кучқудратини мустаҳкамлаш ва уни янада яшнатиш ишига, тинчликни ва халқлар хавфсизлигини сақлаш ишига, совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш ишига ҳисса қўшади. Пахта етиштиришни янада кўпайтириш бутун ўзбек халқининг ватанпарварлик бурчидир, шарафли ишидир.

Ўртоқ Ниёзов доклади юзасидан музокаралар бошланди.

Музокарага чиққан ўртоқлар Ўзбекистон меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорини зўр хурсандчилик билан кутиб олганликларини қайд қилдилар.

Сурхондар'ё область партия комитетининг секретари ўртоқ **Ҳакимов** ўз сўзида Ўзбекбирлашув ва унинг раиси ўртоқ Юнусовни янги ўзлаштирилаётган ерларда савдо ишларини ёмон ташкил этганлиги учун танқид қилди.

СССР Тайёрлаш министрлигининг Ўзбекистондаги вакили ўртоқ **Макотро** ўз нутқини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиб олишни ташкил этиш масалаларига бағишлади. Чорва моллларининг айрим жойларда нобud бўлаётганлигига сабаб шуки, чорва моллари фақат қишдагина эмас, ёзда ҳам ёмон парвариш қилинмоқда,— деди у.— Чорва моллларини ёзда боқиш ва парвариш қилиш ишларида кескин бурилиш ясаш, чўпонларни ва чорвачилик соҳасида ишловчи бошқа ходимларни моддий рағбатлантириш системасини ўзгартириш керак. Андижон областида рўй бераётгани сингари чорва моллларини талон-торож қилишга чек қўйилиши лозим. Мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтиришнинг чорвачилик учун жуда катта аҳамияти бор. Аммо бу соҳадаги иш қониқарсиз аҳволдадир. Бирнеча ўн минг гектар ерга беда экилмай қолди. Бедачиликка мас'улиятсизлик билан қарашга қарши кескин кураш олиб бориш лозим. Ҳозирги вақтда маккажўхори сингари экинларни экиб олиш, эртанги илдизмева экинлари ва бирйиллик ўтларни парвариш қилиш, шунингдек, бедани парвариш қилиш, ем-хашакларни бузмай сақлаш учун ҳамма чоралар кўрилиши керак. Ўртоқ Билбас чорва моллларини қишловга тайёрлаш тўғрисида гапириб, чорва моллари учун капитал бинолар қуриш билан бирқаторда, маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси ишлабчиқаришлари мумкин бўлган қамиш материаллардан кўтонлар қуришни кенгайтириб юбориш масаласини ўртага қўйди.

Самарқанд область партия комитетининг секретари ўртоқ **Ёқубов** область партия ва совет органларининг ғўзани парвариш қилишни кучайтириш ва чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасида кўрсатган тадбирларини Пленумга айтиб бергандан кейин, давлат аппаратининг ишларига доир ба'зи масалаларга тўхталиб ўтди. Шу вақтгача кўпгина министрликлар ва идоралар,— деди у,— раҳбарлик қилишда канцеляриячилик, бюрократик иш услубидан воз кечганлари йўқ, пленумларда, сессияларда ва матбуотда қилинаётган танқидлардан ўзлари учун тегишли хулосаларни чиқариб олмаётирлар. Жумладан, республика Қишлоқ хўжалиги министрлигида шундай камчилик бор.

Ховос район партия комитетининг секретари ўртоқ **Мирдадаев** ўз нутқида колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини янада юксалтириш учун курашаётганликлари тўғрисида гапирди.

Сўнгра, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Юсупов** сўзга чиқиб айтдики, июль—ҳосил тўплашнинг ҳал қилучи ойидир. Партия ва совет ташкилотларининг вазифаси шундан иборатки, улар ғўзанинг ривожланишдаги қолоқликни шу ойда тугатиб, июль ойининг охиригача ҳарбир туп ғўзада ўрта ҳисоб билан 8—10 талан кўсак бўлишини та'минлашлари лозим. Август ойида ҳам зўр бериб ишлашга тўғри келади. Ишимизнинг муваффақиятли бўлиши учун бутун меҳнат ва моддий-техника ресурсларини сафарбар қилиш, механизмлардан унумли фойдаланиш керак.

Ўртоқ Юсупов республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги жиддий камчиликларнинг сабабларини анализ қилди.

Сўнгра Ўртоқ Юсупов дала ишларини машиналаштириш, илғор агротехникани ва новаторларнинг муваффақиятларини қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришида жорий қилиш, ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарлик кўриш масалаларига тўхталиб ўтди. Кейин у та'кидлаб айтдики, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришдаги эгасизликни тугатиш, жумладан, меҳнатни ташкил этишда звено системасига қаттиқ риоя қилиш, мўл ҳосил олишда МТС ва совхоз ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш қишлоқ хўжалик органларининг, МТСлар, колхозлар, совхозлар, бригадалар ва звеноларнинг мўл ҳосил олиш учун ва чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтириш учун жавобгарлигини оширишнинг муҳим шартидир. Трактор бригадалари билан далачилик бригадаларининг ҳамжиҳат бўлиб ишлашини та'минлаш зарур. Ўртоқ Юсупов ўз нутқида янги ерларни ўзлаштириш масалаларига, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишларига анча тўхталиб ўтди.

Сўнгра Ўзун МТСининг директори ўртоқ **Бабич** сўзга чиқди. Ўртоқ Бабич механизаторларнинг фидокорлик билан меҳнат қилаётганликлари, машина-трактор станцияси қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантириш учун курашаётганлиги тўғрисида гапириб, Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Глававтотрактросбит»нинг республика конторасн ва «Узсельхозснаб» машина-трактор станцияларининг эҳтиёжларига пархосизлик билан қараётганликларини танқид қилди.

Пленумда ҳосил йиғим-теримига тайёрланиш масалаларига кўп э'тибор берилди. Бу тўғрида Ўзбекистон ССР Совхозлар министри ўртоқ **Жалилов**, Кенг исте'мол саноати моллари министрининг ўринбосари ўртоқ **Кичанов** ва пленумнинг бошқа қатнашчилари гапирдилар. Пахта териш машиналари ремонтини тезроқ тамомлаш ва барча моддий-техника воситаларини теримга ҳамда пахтани тайёрлашга тахт қилиб қўйиш учун бутун моддий-техника воситалари ва одамлар сафарбар қилинмаганлиги сабабли аҳвол айниқса хатарли бўлиб қолди. Область партия ташкилотлари беда экишга етарли аҳамият бермай, жиддий хато қилдилар.

Ўртоқ Мирзаахмедов Қишлоқ хўжалик министрлигини ва республика Министрлар Советини танқид қилди. У айтдики, министрлик коллегияси мажлисларида ва Министрлар Советида ўртоқ Билбас раҳбарлигида ўтказилаётган кенгашларда масалалар шошма-шошарлик билан, юзаки муҳокама қилинади, жойлардан юборилган таклифларга э'тиборсизлик билан қаралади.

Сўнгра Ўртоқ Мирзаахмедов область партия комитетининг МТС ишларига, ғўза парваришининг боришига раҳбарлик қилиш ишларида йўл қўяётган камчиликларига тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ **Билбас** ўз нутқини жамоат чорвачилигини ривожлантириш масалаларига бағишлади. Чорва моллларининг айрим жойларда нобud бўлаётганлигига сабаб шуки, чорва моллари фақат қишдагина эмас, ёзда ҳам ёмон парвариш қилинмоқда,— деди у.— Чорва моллларини ёзда боқиш ва парвариш қилиш ишларида кескин бурилиш ясаш, чўпонларни ва чорвачилик соҳасида ишловчи бошқа ходимларни моддий рағбатлантириш системасини ўзгартириш керак. Андижон областида рўй бераётгани сингари чорва моллларини талон-торож қилишга чек қўйилиши лозим. Мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтиришнинг чорвачилик учун жуда катта аҳамияти бор. Аммо бу соҳадаги иш қониқарсиз аҳволдадир. Бирнеча ўн минг гектар ерга беда экилмай қолди. Бедачиликка мас'улиятсизлик билан қарашга қарши кескин кураш олиб бориш лозим. Ҳозирги вақтда маккажўхори сингари экинларни экиб олиш, эртанги илдизмева экинлари ва бирйиллик ўтларни парвариш қилиш, шунингдек, бедани парвариш қилиш, ем-хашакларни бузмай сақлаш учун ҳамма чоралар кўрилиши керак. Ўртоқ Билбас чорва молларини қишловга тайёрлаш тўғрисида гапириб, чорва моллари учун капитал бинолар қуриш билан бирқаторда, маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси ишлабчиқаришлари мумкин бўлган қамиш материаллардан кўтонлар қуришни кенгайтириб юбориш масаласини ўртага қўйди.

Самарқанд область партия комитетининг секретари ўртоқ **Ёқубов** область партия ва совет органларининг ғўзани парвариш қилишни кучайтириш ва чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасида кўрсатган тадбирларини Пленумга айтиб бергандан кейин, давлат аппаратининг ишларига доир ба'зи масалаларга тўхталиб ўтди. Шу вақтгача кўпгина министрликлар ва идоралар,— деди у,— раҳбарлик қилишда канцеляриячилик, бюрократик иш услубидан воз кечганлари йўқ, пленумларда, сессияларда ва матбуотда қилинаётган танқидлардан ўзлари учун тегишли хулосаларни чиқариб олмаётирлар. Жумладан, республика Қишлоқ хўжалиги министрлигида шундай камчилик бор.

Ховос район партия комитетининг секретари ўртоқ **Мирдадаев** ўз нутқида колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини янада юксалтириш учун курашаётганликлари тўғрисида гапирди.

Сўнгра, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Юсупов** сўзга чиқиб айтдики, июль—ҳосил тўплашнинг ҳал қилучи ойидир. Партия ва совет ташкилотларининг вазифаси шундан иборатки, улар ғўзанинг ривожланишдаги қолоқликни шу ойда тугатиб, июль ойининг охиригача ҳарбир туп ғўзада ўрта ҳисоб билан 8—10 талан кўсак бўлишини та'минлашлари лозим. Август ойида ҳам зўр бериб ишлашга тўғри келади. Ишимизнинг муваффақиятли бўлиши учун бутун меҳнат ва моддий-техника ресурсларини сафарбар қилиш, механизмлардан унумли фойдаланиш керак.

Ўртоқ Юсупов республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги жиддий камчиликларнинг сабабларини анализ қилди.

Сўнгра Ўртоқ Юсупов дала ишларини машиналаштириш, илғор агротехникани ва новаторларнинг муваффақиятларини қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришда жорий қилиш, ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарлик кўриш масалаларига тўхталиб ўтди. Кейин у та'кидлаб айтдики, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришдаги эгасизликни тугатиш, жумладан, меҳнатни ташкил этишда звено системасига қаттиқ риоя қилиш, мўл ҳосил олишда МТС ва совхоз ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш қишлоқ хўжалик органларининг, МТСлар, колхозлар, совхозлар, бригадалар ва звеноларнинг мўл ҳосил олиш учун ва чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтириш учун жавобгарлигини оширишнинг муҳим шартидир. Трактор бригадалари билан далачилик бригадаларининг ҳамжиҳат бўлиб ишлашини та'минлаш зарур. Ўртоқ Юсупов ўз нутқида янги ерларни ўзлаштириш масалаларига, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишларига анча тўхталиб ўтди.

Сўнгра Ўзун МТСининг директори ўртоқ **Бабич** сўзга чиқди. Ўртоқ Бабич механизаторларнинг фидокорлик билан меҳнат қилаётганликлари, машина-трактор станцияси қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантириш учун курашаётганлиги тўғрисида гапириб, Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Глававтотрактросбит»нинг республика конторасн ва «Узсельхозснаб» машина-трактор станцияларининг эҳтиёжларига пархосизлик билан қараётганликларини танқид қилди.

Пленумда ҳосил йиғим-теримига тайёрланиш масалаларига кўп э'тибор берилди. Бу тўғрида Ўзбекистон ССР Совхозлар министри ўртоқ **Жалилов**, Кенг исте'мол саноати моллари министрининг ўринбосари ўртоқ **Кичанов** ва пленумнинг бошқа қатнашчилари гапирдилар. Пахта териш машиналари ремонтини тезроқ тамомлаш ва барча моддий-техника воситаларини теримга ҳамда пахтани тайёрлашга тахт қилиб қўйиш учун бутун моддий-техника воситалари ва одамлар сафарбар қилинмаганлиги сабабли аҳвол айниқса хатарли бўлиб қолди. Область партия ташкилотлари беда экишга етарли аҳамият бермай, жиддий хато қилдилар.

Ўртоқ Мирзаахмедов Қишлоқ хўжалик министрлигини ва республика Министрлар Советини танқид қилди. У айтдики, министрлик коллегияси мажлисларида ва Министрлар Советида ўртоқ Билбас раҳбарлигида ўтказилаётган кенгашларда масалалар шошма-шошарлик билан, юзаки муҳокама қилинади, жойлардан юборилган таклифларга э'тиборсизлик билан қаралади.

Сув хўжалиги министри ўртоқ **Алимов** ва пленумнинг бошқа қатнашчилари ўз нутқларида сув хўжалик қурилиши ишларининг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини, республиканинг барча партия ташкилотлари бу ишга аҳамият беришлари кераклигини гапириб ўтдилар.

Пленум партия ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий ишларни бутун чоралар билан кучайтиришлари, барча колхозчиларни, МТС ва совхоз ходимларини КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида қўйилган вазифаларни амалга оширишга сафарбар қилишлари лозимлигини уқтириб ўтди.

Пахтакор ўртоқлар! Фидокорона меҳнат қилиб, ғўза парваришидаги қолоқликни тугатайлик!

★

Колхоз коммунистлари— ҳосил тўплаш учун кураш ташаббусчилари

ЯНГИЙЎЛ, (ЎзТАГ). Райондаги Сталин номли илғор колхознинг пахтакорлари гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Ҳозирги вақтда далаларда бешинчи культивация ўтказилаётир, учинчи чопиқ тугалланди, ғўзалар икки марта суғорилди ва икки марта озиқлантирилди. Ғўзаларнинг деярлик ҳаммаси гуллаш даврига кирган.

Коммунистлар юқори ҳосил учун кураш ташаббусчилари бўлиб, ғўзани а'ло сифатли парвариш қилишда намуна кўрсатмоқдалар. Коммунист Бектурган Ўрдабоев раҳбарлигидаги далачилик бригадаси шу кунларда ғўза парваришини кучайтириб, ғўзани кечаси суғоришни ташкил қилди. Ғўзалари ривожланишдан орқада қолаётган участкаларда экинлар қўшимча суратда парвариш қилинмоқда.

Коммунист Султонқул Абдуллаев бошлиқ бригадада дала ишлари графикда белгиланганидан тез бажарилмоқда. Бу ерда ғўза парвариши июль ойи давомида ҳар туп ғўзада 15 тадан кўсак тўпланишини кўзда тутиб ташкил этилган. Ғўза тупларида ҳозирдаёқ 10—12 тадан кўсак бор.

Колхоз партия ташкилоти илғорлар тажрибасини ёйишга катта эътибор бермоқда. Партия бюросининг топшириғига мувофиқ бригада бошлиғи коммунист Са'ди Корахўжаев якинда юқори ҳосил учун кураш тажрибаси бўйича ўртоқлашди. У дала шийпонида ўтказган ўз суҳбатида ҳозирги вақтда асосий вазифа — ернинг қуриб қолишига йўл қўймаслик ва ғўзани яхши сифатли парвариш қилишдан иборат эканлигини та'кидлади.

Колхоз партия ташкилоти меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун доимий кураш олиб бормоқда. Розиқ Мамадалиев бошлиқ далачилик бригадасида ба'зи колхозчилар ишга чиқмай қолар эди. Бу масала очиқ партия йиғилишида муҳокама қилинганидан кейин бригадада интизом мустаҳкамланди ва ҳозир қўшимча суратда 12 киши ишга чиқаётир.

Колхоз партия ташкилоти ҳосил тўплаш олийги даврида 12 та бригада дала шийпонларининг ҳаммасида оммавий агитация ишларини кучайтириб юборди. Агитаторлар КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарори тўғрисида суҳбатлар ўтказмоқдалар, «Жанговар варақа»лар чиқармоқдалар, пахтакорлар мусобақасини якунлашда иштирок этмоқдалар.

Сиёсий-тарбиявий ишлар олиб борилиши натижасида ҳамма колхозчилар ғўза парваришида ўз иш нормаларини тўла ва ошириб бажармоқдалар.



Чиноз районидаги Сталин номли колхознинг Ризаматота Юнусов бошлиқ звено а'золари 13 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. **Суратда: Ризаматота Юнусов.**

В. Лейн ва Б Мазур фотоси.

Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг а'золари ҳосил тўплаш давридаги ишни қизғин олиб бормоқдалар. Айниқса 2-нчи бригаданинг а'золари ҳар гектар ердан 55 центнердан пахта етиштириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. **Суратда:** 2-нчи бригаданинг энг яхши звено бошлиқларидан ўртоқ **Т. Мирзаахмедова.**

И. Душкин фотоси.

Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **А. Шерматов** звеносида ғўза парвариши юқори сифатли ўтказилмоқда. У бошлиқ звено бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилган. **Суратда:** ўртоқ **А. Шерматов.**

В. Лейн ва Б Мазур фотоси.

Ғўза парвариши кучайтирилмоқда

СИРДАР'Ё (ЎзТАГ). Бутунитифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидат бўлган «Ҳақиқат» қишлоқ хўжалик артелининг а'золари ҳосил тўплаш ойлигида актив қўшилдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сафар Холматов раҳбарлигидаги бригада ғўзаларни энг яхши парвариш қилиш учун олиб борилаётган социалистик мусобақада биринчиликни сақлаб келмоқда. Звено бошлиқлари 53 гектар ердаги ғўзани най усулида суғормоқдалар, бу эса ерни биртекис намлатишга ва сувни тежаб-тергаб сарфлашга имкон беради. Бу бригаданинг массивидаги ғўзаларда дастлабки қўсаклар пайдо бўлди.

Бошқа пахтакорлар ҳам илғорлардан намуна олмоқдалар. Колхоз правлениеси ҳосил тўплаш ойлиги даври учун қўшимча суратда 50 колхозчини ғўзалари ривожланишдан кейинда қолаётган участкаларга юборди.

Ўтган йиллардаги хатолар яна такрорланмоқда

Октябрь районидаги Сталин номли колхоз бир вақтлар юқори ҳосилли илғор колхозлардан ҳисобланар эди. Лекин кейинги йилларда пахта ҳосилини камайтириб юбориб, қолоқ колхозлар даражасига тушиб қолди. Колхоз 1952 йили пахта тайёрлаш планини 70 процент бажарган бўлса, 1953 йилда эса зўрга 65 процент бажариб, ҳосил анча камайиб кетди.

1954 йилда колхозни қолоқликдан чиқариш учун бирқатор чоралар амалга оширилди. Жумладан, колхозчиларнинг умумий йиғилишида правление состави ўзгартирилди. Колхоз раислигига ўртоқ Саттор Қаюмов сайланди. У шу ҳисобот сайлов йиғилишида сўзга чиқар экан, аввалги йиллардаги камчиликларни бартараф қилиб, 860 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта оламиз, деб ва'да берди.

Ҳозирги вақтда ғўза парвариши юзасидан колхозда олиб борилаётган ишлар олинган мажбуриятнинг бажарилишини та'минлай оладими? Йўқ, ғўза парвариши тез сур'атлар билан комплекс асосда уюштирилмас экан, ҳосилнинг тақдири хавф остида қолиши турган гап. Колхоз ғўза парвариши жихатидан бултургига нисбатан анча орқада. 350 гектар майдондаги ғўза ҳали иккинчи чопиқдан чиқарилгани йўқ, атиги 52 гектар пахта майдонигина учинчи чопиқ қилинди. Учинчи культивация қилинмаган ерлар ҳам бор. Кўпчилик майдондаги ғўзаларни ёввойи ўтлар босиб, қисиб қўйган. Парваришнинг мана шундай ёмон аҳволда эканлиги туфайли ғўзалар ўсишдан орқада қолмоқда.

Ўртоқ Т. Нортоев бошлиқ 1-нчи ва М. Қаҳҳоров бошлиқ 11-нчи бригаталарнинг кўпчилик майдонларида ғўзалар ҳали шоналагани ҳам йўқ. Айниқса янги очилган ерларда ташкил қилинган бригаданинг аҳволи жуда аянчлидир. Бригаданинг 68 гектар пахта майдонидаги ғўзаларнинг деярлик ҳаммаси паст, ба'зи ерларини қамиш босиб ётипти. Бириктирилган 46 а'зонинг ярмидан кўпи ўз бошимчалик билан бошқа бригадаларга ўтиб кетган. Колхоз раиси ва полеводлар бошқа бригадаларга кетиб қолган колхозчиларни ўз бригадаларига қайтарамиз деб ва'да бердилар, аммо улар бу ишни амалга оширмаётирлар. Шуниси қизиқки, кетиб қолганларнинг кўпчилигини комсомол-ёшлар ташкил қилади.

Октябрь район комсомол комитетининг раҳбар ходимлари (секретари ўртоқ Исмоилов) колхоз комсомолларини янги ерларда ташкил қилинган бригадаларга жалб қилиш, уларнинг меҳнат ғайратларини ва ташаббусларини ошириш ишида колхоз комсомол ташкилотига ҳеҳ қандай ёрдам бермаётирлар. Улардан бирортаси ҳам чигит экилгандан бери бу ерга келиб, бригаданинг ишларидан хабар олганлари йўқ.

Сталин номли колхоз пахтадан юқори ҳосил олиш ва илғорлик даражасига кўтарилиш учун ҳамма имкониятларга эга. Ер шароити яхши, ишчи кучлари етарли. Ҳамма гап колхоз ишлабчиқаришига ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш, ҳамма колхозчиларни ғўза парваришни кучайтиришга сафарбар этишда қолган.

Колхоз раиси ўртоқ С. Қаюмов яхши агроном, аммо у ташкилотчилик ишида фаолиятсизлик қилмоқда. Колхозчилар «Раисимиз идора атрофидан, ўз кабинетидан ташқарига чиқмайди» деб бечиз айтмайдилар. Колхозда меҳнат интизоми бўш. Бир мисол олайлик: 1 июль куни колхоздаги 800 ишчи кучидан 444 таси дала ишларида қатнашди.

Колхоз бошлаётган партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. Холматов етарли тажрибаси бўлмаган ёш раҳбар. Шу билан бирга колхоз партия ташкилотига амалий ёрдам беручи, райкомнинг шу колхозга бириктирилган инструктори ўртоқ Толиповнинг ўзи ҳам шаҳардан юборилган ёш партия ходимдир. Шунинг учун ҳам райком раҳбарлари партия ташкилотига яқиндан раҳбарлик қилиб туришлари лозим.

Сталин номли колхоз правлениеси ва партия ташкилоти йўл қўйилган камчиликларни тезда тугатиш ва ғўза парваришини яхшилаш билан пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашни кучайтириб юборишлари лозим.

В. ХОЛМАТОВ.

Ўз касбини севган йигит

Ўртачирчиқ районидаги 1-МТСнинг тракторчиси ўртоқ Менгли Кенжабоев ўз касбини ниҳоятда севади. У ўзига топширилган давлат мулкини кўз қорачиғидай асрайди.

Бу йил ўртоқ Кенжабоев Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозида хизмат қилаётган илғор механизаторнинг ҳарбир чопиқ агрегати блан мавсумда 1000 гектар ердаги ғўзани ишлаб бериш тўғрисидаги ватанпарварлик чақирғига қўшилиб, ўз устига юксак мажбурият олган. У, ана шу юксак мажбуриятни шараф блан бажариш учун астойдил ишлаб, ҳозиргача Каганович номли колхознинг 820 гектар майдонидаги ғўзасини сифатли культивациядан чиқарди.

Шу блан бирга у ўзининг илғор иш тажрибасини бригададаги бошқа механизаторлар блан ҳам ўртоқлашмоқда. Универсалчилардан Турдиқулов ва Жалилов ўртоқлар Кенжабоевдан ўрнак олиб, ҳар куни 15—16 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилмоқдалар.

Ҳ. СУЛТОНОВ.

Меҳнат тўғри уюштирилган колхозда

Чиноз районидаги Ленин номли колхознинг комсомол а'зоси А. Боймуратов бошлиқ далачилик бригадасида меҳнат намунали уюштирилган. Звеноларнинг ер шароитига қараб белгиланган иш нормалари асосида ҳарбир колхозчига кундалик топшириқ берилади. Одатда топшириқ кечқурунлари берилиб иш жойи, шартлари аниқланади.

Кечқурун кундузги ишларнинг якуни муҳокама қилиниб, ҳаркимнинг бажарган ишига яраша меҳнат кунлари ёзилади.

Бригадада меҳнат тўғри уюштирилганлиги учун ғўза парваришида ҳам яхши бораётир. Ҳозир ғўзалар учинчи марта чопиқ ва тўртинчи марта культивация қилинаётир. Шунинг учун олди ғўзалар 3-4 тадан кўсак тугди. Бригада а'золари кейинги беш кунликда ғўзани сифатли парвариш қилишда юқори кўрсаткичларга эга бўлганлари учун колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг кўчма Қизил байроғини кўлга киритдилар.

М. УСТАБОБОЕВ.

„Строитель" клубининг иши тубдан яхшиланиши керак

Оҳангарон шаҳридаги «Строитель» клуби кўпдан бери фақат танца кечалари ўтказиш, ах'ён-ах'ёнда кинокартиналар кўрсатиш блан шуғулланмоқда. Аммо турли темаларда лекциялар ташкил этиш, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг концертларини уюштириш, шунингдек илғор қуручиларнинг тажрибаларини оммалаштиришни деярлик унутиб қўймоқда.

«Ангренстрой» қурилиш шаҳарчасида кўпгина тажрибали қуручи ишчилар, инженерлар ва прораблар бор. Дульцев, Пругло, Дегтярев каби қуручиларнинг номлари қурилиш майдончаларида ма'лум ва машҳурдир. Лекин клуб бундай қурилиш илғорларининг иш тажрибаларини оммалаштириш, тематик кечалар ўтказишга мутлақо э'тибор бермаётир, техника кутубхонасининг ходимларини бу ишга жалб этиш, кутубхона ихтиёридаги плакатлардан фойдаланиш тўғрисида ўйламаётир. Бунинг устига «Ишт териш мастерлари», «Қурилишнинг поток усулини уюштириш» сингари техника кинофильмларини кўрсатишни хаёлига ҳам келтирмаётир.

Ҳаммадан шу нарса кишини таажжублантирадики, клуб мудири ҳам, правлениеси ҳам бу муҳим иш блан шуғулланишни ўзларига эп кўрмаётирлар. Бундан ташқари клуб безатилмаган ва жиҳозланмаган. Клубда бўёқлари оқариб кетган 2—3 паннодан бошқа ҳеччарса йўқ. «Ҳурмат тахтаси» эса ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

«Ангренстрой» бошқармасида юзларча йигит ва қизлар ишлайди. Бу, клубда бадиий ҳаваскорлик тўгарагини ташкил этиш имкониятини беради. Лекин ана шу имкониятдан ёмон фойдаланилаётгани сабабли, мавжуд драма тўгараги ҳам катта қийинчиликларга учрамоқда. Мазкур тўгаракда ҳозирги вақтда 15 кишининг иштирок этаётгани, «Отставкадаги капитан» пьесасининг кўп вақтлардан бери саҳнага қўйилмаётгани ва ундаги эрлар ролини ўйновчи кишининг йўқлиги бунга яққол далил бўлаолади. Танца коллективи ташкил этилмаган. Духовой оркестр коллективи ўз фаолиятини тўхтатиб қўйган, хор тўгарагида эса фақат бирвеча кишигина қатнашмоқда.

Ҳозир ёз мавсуми бошланди, клубнинг барча ишларини очиқ майдонга олиб чиқиш пайти келди. Аммо ёзги «Строитель» клуби эса икки ой ўтиб кетганига қарамай, ҳануз ремонтдан чиқарилган эмас. Бу вазифа «Ангренстрой» бошқармасининг ЖКО бошлиғи ўртоқ Лошченовга топширилган эди. У клубни тезроқ ремонтдан чиқариш масаласига шу кунгача бефарқ қараб келмоқда. Шунинг учун ҳам клуб ишлари барбод бўлмоқда. Хор тўгараги таппа-тақ тўхтаб қолди. Драма тўгараги репетициялар ўтказмаётир, лекция ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Аҳвол шундай бўлатуриб, клуб правлениеси ҳамон фаолиятсизлик кўрсатмоқда. Ўртоқ Журавлева қачонлардир «Ангренстрой» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаган ва ўша вақтларда клуб правлениесининг раиси қилиб сайланган эди. У ишдан бўшади-ю, 6 кишидан иборат клуб правлениеси ўз ишини таққа тўхтатди, икки ой давомида на йиғилиш ўтказди, на иш планини тасдиқлади. «Ангренстрой» бошқармаси партия бюросининг секретари Юван, касаба союз қурилиш комитетининг раиси Қосимов ўртоқлар бундан яхши хабардор бўлсаларда, нечундир клуб ишларини йўлга қўйиш ҳақида ҳеҳбир жонкуярлик қилмаётирлар.

Оҳангарон қурилишларида фидокорона меҳнат қилаётган турли ихтисосдаги юзларча қуручилар клубдан кўп нарсани ҳақли равишда кутмоқдалар. Улар лекциялар тинглашни, бадиий ҳаваскорликнинг ажойиб постановкаларини кўришни, китоблар ўқишни, хор тўгарагининг чиқишларини тинглашни орзу қилмоқдалар. Клуб правлениеси эса қуручиларнинг бу каби орзу-умидларини ҳисобга олмаётир, клубни ҳақиқий маданият ўчоғига айлантириш тўғрисида мутлақо қайғирмаётир. Бунинг ўрнига коммерсантлик блан шуғулланаётир.

Коммунистик партия клубларнинг ишларига ғоят катта э'тибор бермоқда ва уни билимларни пропаганда қилучи қудратли марказ, меҳнаткашларнинг кун сайин ўсиб бораётган маданий талабларини қондируви асосий пункт деб баҳоламоқда. Аммо «Ангренстрой» бошқармасининг «Строитель» клуби ўзининг бу вазифасини бажармаётир. Бошқарма ҳозирги юксак талабларни ҳисобга олиши, мавжуд камчиликларни тез кунда узил-кесил бартараф қилиб, «Строитель» клубининг ишини тубдан яхшилаш чораларини кўриши зарур.

Ал. БРОНШТЕЙН.

Болаларнинг ёзги дам олишига э'тибор берилмаётир

Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Умаровни кўча юзидаги чойхонада учратдик. У, дарахтларнинг қуюқ соялари тушиб турган жойга қўйилган кроватьда дам олиб ўтирар эди.

— Э, келинглар, — деди у, бизни кўргач ва ўтиришга таклиф қилди, Ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Пионер лагерида неча бола дам олмоқда? Тўсатдан берилган бу савол Умаровни ўйлантириб қўйди. Бироз жимликдан сўнг у:

— Ҳали лагеримиз очилгани йўқ, — деб қисқа жавоб қайтарди.

— Нима учун?

— Ўзларингиздан қолар гап йўқ, шу кунларда муҳим ишлар блан бандмиз, ўқучилар ҳам эндигина имтиҳонлардан қутилишди. Очиғи, колхоз богидан латерь учун ҳали жой ажратганимизча йўқ. Лекин керакли инвентарьларни алдақачон келтириб қўйганмиз. Улар складда турипти.

Суҳбатимиз устига Дўрмон қишлоқ советининг раиси ўртоқ Холматова келиб қолди.

Ўртоқ Холматованинг айтишига қараганда, колхоздаги 6-нчи (директори Обидов), 8-нчи (директори Тукибоев), 9-нчи (директори Эрдалиев), 10-нчи (директори Қобилова), 12-нчи (директори Олтмишбоев) мактабларнинг бирортаси ҳам лагерьда дам олучи ўқучиларнинг рўйхатини топширмаган.

Биз қизиқиб Умаровдан «келтириб қўйилган» инвентарьларни кўрсатишни сўрадик. У киши жавоб беролмай, дудуқланиб қолди. Хуллас, лагерь учун инвентарьлар олинмагани ҳам ма'лум бўлди.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози республикамиздаги илғор ва йирик колхозлардан ҳисобланади. Аммо ўқучилар каникулининг қимматли кунлари ўтиб кетаётганига қарамасдан, шу пайтгача колхоз правлениеси, (раиси ўртоқ Матқобилов ва партия ташкилоти секретари ўртоқ Умаров) болаларнинг кўнгилли дам олишлари учун яхши э'тибор бермаётирлар. Шу вақтга қадар пионер лагерининг бошлиғи ҳам, тарбиячилари ҳам тайинланмаган. Район комсомол комитети ва район халқ маорифи бўлими эса бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмаётирлар.

Партия ва ҳукуматимиз болаларнинг ёзги дам олишни хушчақчақ ўтказишлари учун барча имкониятларни яратиб берган. Лекин, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида болаларнинг ёзги каникул кунларини қувноқ ва қизиқарли ўтказиб, яхши дам олишлари учун э'тибор берилмаётир.

Н. ОРИФЖОНОВ,
Э. ПОГОРЕЛЬЧЕНКО.

Редакция почтасидан

Чақалоқлар сўрғичини қайердан олиш мумкин?

— Вақти бемаҳал боланинг оғзига солиб қўйиш учун сўрғичдан олиб қўйсанг бўлмайдими?— деди Маннопака ўғилчасини кўтариб юрар экан, ўчоқбошида овқат пиширяётган хотинига.

— Ҳар куни кўчада юзта дўконнинг олдидан ўтасиз, ўзингиз олиб келаколсангиз бўлмайдими? — деди Салима опа.

Эртаси куни Маннопака ишдан қайтишда «Ўғлимга сўрғич олиб кетай» деб Ташпромторгнинг Карл Маркс кўчасидаги 12-нчи магазинига кирди.

— Ёш болалар учун сўрғич борми?— деб сўради галантерия моллари блан савдо қилучи аёлдан.

— Бутилканинг оғзига кийгизадиганидан бор, мана 14 тийин туради.

— Бутилканинг эмас, боланинг оғзига соладиганидан борми деб сўраяпман — деди Маннопака.

— Унисидан йўқ. Бошқа магазинларга бориб бақингчи.

Маннопака Карл Маркс кўчасидаги Универмаг магазинига кирди. Бу ерда ҳам сўрғичнинг шиша оғзига кийгизиладигани бор-у, кичкинаси йўқ эди.

— Аптекаларга борингчи, зора ўша ерда бўлса, маслаҳат берди, — магазининг талантерия ва парфюмерия бўлим ходими.

Маннопака сўрғич излашда давом этди... Ленин кўчасидаги 1-нчи аптекага, Навоий кўчасидаги 8-нчи аптекага борди. Сўрғич йўқ.

...Кеч бўлди. Ўғилча бугун ҳам йиғлади. «Уй ишларига қарамай доим сени эмизиб ўтиравераманми?» дерди Салима опа ўғилчасига, Ўғилча бўлса гапга тушинмай ҳамон йиғларди.

Ўзбекистон Давлат аптека бошқармаси, Тошкент шаҳар савдо бўлими ходимлари магазин ва аптекаларда чақалоқлар сўрғичнинг сероб бўлиши учун тегишли чораларни кўришлари керак.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Муз йўк эмиш...

— Нега лимонадингиз илиқ, кишини лоҳаз қиладику? — деб норозилик билдирдилар лимонад ичаётган бир группа ёшлар

— Эрталабдан бери музга солинган сув сотаётган эдик. Бахтингизни қаранг, муз ҳозиргина томом бўлди-я. Отдарингизни сал олдинроқ қамчиламабсизларда—деди официантка мулойимлик блан.

Ёшлар бригадир официантка ўртоқ Городницкаядан келтирилган музнинг накладнойини сўрадилар. Городницкая у деб кўрди бўлмади, бу деб кўрди бўлмади. Ниҳоят у, шу куни муз келтирилмаганини таноли. Бу ер Комсомол кўлидаги 13-нчи закусочная эди.

Кўлдаги оролга ўрнашган «Ўзбекистон» кафесининг филкалига ҳам анчадан бери муз келтирилмайди.

Кун иси турган бир пайтда буфетчи сайлчиларга илиқ минераль сувни таклиф қилади. Бундан кўп харидорларнинг энсаси қотиб, сув ичишдан воз кечишга мажбур бўладилар.

Совуқ ичимликлар ва мороженоелар блан савдо қилишда бундай камчиликлар шаҳардаги Тельман номли, Пушкин номли боғларда ҳам тез-тез содир бўлиб туради.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, Тошкент ошхона ва ресторанлар трести, «Ташхолодкомбинат» ва Тошкент шаҳар советининг савдо ҳамда умумий ичимликлар бўйича доимий комиссияси савдонинг бу муҳим соҳасига аҳамият беришлари ва доимий назорат қилиб туришлари зарур.

Р. НИКОЛАЕВА.

Уртасаройда ғўзанинг ўсиши ўртача...

РАИС МАҚТАГАН БРИГАДАДА

... Раис келгунча анча вақт кутишга тўғри келди. Колхоз бухгалтери аввал: «раис далада» деди. Кейин бироз ўйланиб турғач, стол бурчагида турган телефонга қўл чўзди:

— Алло, квартирани беринг... Тўғри, жуда иссиқ, мен кабинетни шунча сув сепиб салқин қилаётган бўлсам ҳам, бир кўлим дастрўмолдан бўшамайди.... Хўп бўлади... Мен уларга айтаман... Кечроқ келасизми?

Бухгалтер телефон трубкасини қўйидда, шикоятомуз: «раисни безовта қилмай қўяқолинглар» деди ва партия ташкилотининг секретари шу ерда, деб қўшиб қўйди. У бизни колхоз партия ташкилоти секретарининг кабинетига бошлаб борди. Ўртамиёна ҳона. Деразаларига парда тўсилиб салқин қилинган. Стол устида ҳархил газета, гилофли диванда тўладан келган киши ухламоқда эди. Биз уни безовта қилишдан ийманиб, қайтмоқчи эдик, броқ у уйғониб қолди.

«Салом алек»дан кейин, колхозда ғўза парвариши қай аҳволда эканлиги, бригада, звеновлар ўртасидаги социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши тўғрисида бир-иккита савол сўрадик. У уйқули кўзларини ишқалар экан:

— Гапнинг очиғи, бу ҳақда менинг қўлимда ҳозирча ма'лумот йўқ, лекин ишимиз чакки эмас, мусобақа яхши йўлга қўйилган, — деб умумий тарзда мужмал жавоб берди.

Шундан кейин партком «зарур» иш борлигини айтиб шошилганича чиқиб кетди. Бизни бухгалтердаги фақат «жонсиз» рақамлар блан тўлиб-тошган сводкалар қизиқтирмас эди. Шу сабабли раснинг уйига телефон қилиб у блан гаплашдик ва далага чиқмоқчи эканлигимизни билдирдик. Узоққа чўзилган мунтазиликдан кейин раис етиб келди, далага йўл олдик.

Катта тош кўчани кесиб ўтиб дала йўлига тушганимизда қуёш гарбга ёнбошлаган, атрофга кечки салқинлик чўка бошлаган эди. Торгина, сертупроқ йўлнинг икки томони пахтазор бўлиб, бир томондаги пайкалга сўраб билдик: 3-нчи бригадага қарашли экан) сув қўйилган эди. Картанинг пайнави кўчага келиб тақалган, ташлама ариқ йўқлигидан сув атрофга тошиб кетган эди. Йўл-йўлакай сув танқислиги тўғрисида «шикоят» қилиб келаётган раис бу ҳолни кўриб хижолат бўлди, сувчини чақириб қолди.

Ниҳоят, раис мақтаган 1-нчи бригада дала «шийпони»га етиб келдик. Дала шийпони деб аталган узун, кунгай бостирма ўртасига 4 киши овқатланаоладиган стол қўйилган эди. Ҳозирги вақтда «зарур» бўлмагани учун «шийпон» олдидаги хирмонжойни чирмовиқ ўт босиб ётарди, уер-буерда бўйрага ўхшаб ўт устини зарпечак қоплаган эди. «Шийпон» деворида терим даврига хос расмлар осиғлиқ турарди.

Шийпондаги «шароит» ишнинг сифати ва салмоғига ҳам салбий та'сир кўрсатган эди. 1-нчи бригадага қарашли икки томондаги ғўзанинг бўйи 20—25 сантиметр келади. Раис: «ғўзанинг бўйи паст бўлса ҳам, турган-битгани шона-гул» деб қўшиб қўйди. Ҳақиқий аҳвол бундай бўлиб чиқмади. Энг бўлиқ жойдаги ғўза тупида атиги 7—8 тадан шона, 2—3 тадан гул бор эди.

Биз қатор оралаб юрганимизда бригада бошлиғи ўртоқ Хван Борис келиб қолди. У, «ғўзамиз бу йил эрта кўсакламоқда» деб айтди-ю, лекин битта ҳам кўрак тошиб кўрсатаолмади.

Юқори ҳосилли ҳисобланган ўртоқ Хван Борис бошлиқ бригадада колхозчиларнинг унумли ишлаши учун қулай шароит яратиб берилмаган. Мунтазам равишда иссиқ овқат бўлиб турмагани сабабли, колхозчилар кўп вақтларини уйга қатнаш блан ўтказадилар. Шу сабабли бу бригадада ҳам чопиқ графиги бажарилмаётир. Кейинги беш кунликда чопиқ нормаси атиги 57 процент бажарилган.

Бригаданинг 15 гектар ердаги ғўзасига қишлоқ хўжалик зараркунандалари тушганлиги аниқлангач, беш кундан кейингина уни йўқотишга киришилган. Бу иш, биринчидан кечикиб, иккинчидан сифатсиз ўтказилгани сабабли зарарланган ғўзалар ҳамон ўзини ростлаб олгани йўқ.

Колхоз раиси ўртоқ Цой-Ен-фир биз блан 1-нчи бригада далаларини айланиб чиққачгина бу бригаданинг ғўзаларини бировларнинг ғўзига ишонib яхши деб юргани учун ўз-ўзидан хафа бўлди.

Хўш, илғор бригадада аҳвол шундай экан, қолоқларида қандай? Бизнинг бу саволга раис қисқача жавоб берди:

— Камчилигимиз кўп, тузатамиз. 200 гектар ердаги паст ғўзамизни узоғи блан бир ҳафтада яхшилаб оламиз.

— Бунинг учун қандай тадбирлар белгиланди? Яна сўрадик.

— Чопиқ, культвацияни тезлатамиз, — раис жавоб берди.

ИШ БОШИДА СЕКРЕТАРЬ БЎЛСА ҲАМ...

Район партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Эм Тимофей Андреевич «Молотов номли колхозда ишни яхшилашни менга топширсаларингиз», деб райком бюросидан сўради. Унинг илтимоси қондирилди. Секретарь эртасигаёқ колхозга етиб борди. Тўғри, дастлабки кунларда бироз сиқилиш бўлди. Броқ, бу «кўтарилиш» тезда совун кўпигидай сўнди. Соянар раис секретарьнинг пинжига кириб уни ҳам ўз режимига ўргатиб олди.

Мана, ҳозир, Молотов номли колхозда ғўза парваришининг сур'ати ҳам, сифати ҳам мутлақо талабга жавоб бермайди. Колхозда меҳнат интизоми ниҳоятда бўшашиб кетган. Қўшни — «Полярная звезда» колхозининг а'золари эрталаб бир-икки қатордаги ғўзани чопиқ қилгандa, Молотов номли колхоздагилар биринкетин далада кўрина бошлайдилар. Бунинг устига «Универсаль»лар ҳам жуда паст унум блан ишлатилаётир. Колхоздаги 8 «универсаль» блан ҳар куни плондаги 80 гектар ўрнига 35—40 гектар ердаги ғўза культвация қилинмоқда, холос. Бунга МТС директори ўртоқ Погорелов билмайди, деб ўйлайсизми. Билинга, билади. Аммо, раснинг салқин меҳмонхонасида дам олиб ўлтирган пайтда: «ўртоқ раис универсалчиларимизга яхши шароит яратиб бермабсиз» дейишга ботинаолмайди.

Шунинг учун ҳам Молотов номли колхозда хизмат қилаётган универсалчилар ўз қўшилари — бутун республикамизга донг таратган Ўртасарой районидаги 1-нчи МТС механизаторларининг ташаббусидан бехабар эканликларини эшитиб ҳайрон қолдик. Район партия комитетининг (худди шу районнинг!) иккинчи секретари Эм Тимофей Андреевич, райкомнинг МТС зонаси бўйича секретари Саъдуллаев ўртоқлар кўп вақтларини шу колхозда ўтказсалар-у, ёнма-ён колхозда ишлаётган таҳаллаборскор механизаторларнинг тажрибасини кенг ёйишга қизиқмасалар?!

Молотов номли колхозда 200 гектар ердаги ғўза жуда ёмон аҳволда. Бу ғўзанинг кўп қисми ўт ва қамиш орасида нимжон бўлиб қолган. Турабеков, Тўхтасинов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда биринчи чопиқдан чиқарилмаган ғўзалар ҳам бор.

Энди ўртоқ Эм Тимофей райком бюросига берган ва'дасининг уддасидан чиқиши ва Молотов номли колхозда ғўза парваришини ҳартарафлама кучайтириб юборишда колхоз правлениеси ва партия ташкилотига ёрдам бериши керак, тўғриси раис ҳамда парткомни далада кўпроқ юришга ўргатиши зарур.

КУЗ-КУЗ ҚИЛИНАЁТГАН ҒУЗАЛАР

Охунбобоев номли колхоз район марказининг биқинида. «Юқоридан» бирор киши келгундай бўлса, даставвал шу колхозга, шу колхознинг қўча ёқасидаги далаларига олиб борилади. Ана шу далалардаги барқ уриб ўсаётган, сершона, сергул ва ҳатто 3—4 тадан кўсак ҳосил қилган ғўзаларни кўриб кўз қувонади. Шу ердан қайтган киши Ўртасаройда ғўзанинг аҳвои яхши деган хулосага келади, албатта.

Лекин, ана шу колхознинг ҳам ғўзаси паст бригада, звенолари кўп. Район раҳбарлари кўз-кўз қиладиган далалардан ўтиб, ичкарига кириб борган сари ўсишдан қолган, чанқоқ, ҳашарот тушиб пастки япроқлари сарғаябошлаган айрим ғўза тупларини кўриб ачинасиз.

Минг гектардан ортиқ пахта майдонига эга бўлган Свердлов номли, юқори ҳосилли «Полярная звезда», Ленин номли колхозларнинг ҳам айрим пайкалларида бўйи паст, чанқаганлиги туфайли тепа шохидан гуллаган ғўзалар бор. Молотов номли, Оржоникидзе номли, Булганин номли колхозларда эса яхши ғўзадан, паст ғўза кўп.

МТС директори Погарелов, бош агрономи Бозоров ўртоқлар колхозларда кам, дан-кам бўладилар. Улар трактор ишларининг сифати блан мутлақо қизиқмайдилар. Кўпинча ҳавоий сводкаларга қараб хулоса чиқаравердилар.

Областимизда бўлгани сингари Ўртасаройда ҳам июль ойи ҳосил тўплаш ойлиги деб э'лон қилинди. Яқинда шу мақсадда райондаги бригада, звено бошлиқлари, колхоз раислари, механизаторларнинг йиғилиши ҳам ўтказилди. Тадбирлар белгилаш тўғрисида кўп гапирилмоқда-ку, лекин ғўзаларнинг аҳволи ҳомон ўртача.

Яхши ривожланаётган ғўзаларни кўз-кўз қилиш ўрнига «универсал»ларнинг иш унумини ошириш, ғўза парваришига графикда кўрсатилган колхозчиларнинг чиқишини та'минлаш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши қат'иятлик, изчиллик блан курашиш чораларини кўриш керак.

С. МАҲКАМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Нонвойхона ишга туширилсин

Қорасув районидаги Хонобод қишлоғида 1952 йилда Қўйлиқ селпоси томонидан нонвойхона қурилган. Бу, қишлоқ меҳнаткашларини жуда хурсанд қилган эди. Броқ 1954 йил март ойидан бошлаб нонвойхона бутунлай ишламай қўйди. Ҳозир колхозчилар нон учун шаҳарга боришга мажбур бўлмоқдалар. Сельпо раиси Умаров, нонвойхона мудири Мирзаҳмедовлар нонвойхонани ишга туширишни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Биз қишлоқ меҳнаткашлари номидан нонвойхонани сифатли ремонт қилиб, тезда ишга туширишини талаб қиламиз.

М. КАРИМОВ.
О. НУ'МОНОВ.

Вьетнам Демократик Республикаси президенти Хо Ши Миннинг Вьетнам информацион агентлиги директорининг саволларига берган жавоблари

ШАНХАЙ, 8 июль. (ТАСС). Вьетнам информацион агентлиги хабар беради:

6 июльда Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши Мин Вьетнам информацион агентлигининг директори томонидан берилган бирқанча саволларга жавоб қайтарди. Бу савол ва жавоблар қуйида келтирилади:

1-нчи савол. Президент жаноблари, Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш ҳақидаги масалада Жанва кенгашидаги прогресс тўғрисида ва бу кенгашнинг перспективалари ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?

Жавоб: Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисидаги масалада Жанва кенгашидаги прогресс гарчи катта бўлмаса ҳам, ҳарҳолда бирқанча проблемалар юзасидан келишувга эришилган бу кенгаш Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш йўлини очиб берди. Агар бошқа томон ҳам музокаралар олиб боришни бизлар сингари чинакам истаса ва Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш учун бизлар блан биргаликда куч-ғайрат сарф қилса, шу асосида Ҳинди-Хитойда тинчлик тикланиши мумкин. Бизнинг қат'ий позициямизга мувофиқ равишда Вьетнам Демократик Республикаси тинчлик, мустақиллик, демократия учун ва ватанимизнинг бирлиги учун курашни давом этдиради. Шу блан бирга биз Америка империалистларининг ниятларига нисбатан жуда хуш'ёр бўлишимиз керак. Америка империалистлари иккала томоннинг яраш тўғрисида битим тузишига халақит бермоқчи бўладилар, агрессив характердаги ҳарбий блок тузишга интилмоқдалар ва Ҳинди-Хитойга ҳамда Шарқи-Жанубий Осиёга қарши ўз агрессиясини осонлаштириш ва бу мамлакатлар устидан ҳукмронлик қилишга эришиш ниятида Осиёни бир-бирига қарама-қарши группаларга бўлиб юборишга интилмоқдалар.

2-нчи савол: Президент жаноблари, яқинда Хитой Халқ Республикаси ва Ҳиндистон бош министрлари биргаликда чиқарган баёнотнинг, шунингдек ХХР ва Бирма иттифоқи бош министрларининг биргаликда чиқарган баёнотининг аҳамиятини марҳамат қилиб айтиб берсангиз?

Жавоб: ХХР ва Ҳиндистон республикаси бош министрларининг биргаликда қилган баёноти, шунингдек ХХР ва Бирма иттифоқи бош министрларининг биргаликда қилган баёноти гоят катта аҳамиятга эга. Биргаликда чиқарилган бу икки баёнот бутун дун'ё халқларининг, айниқса Осиё халқларининг тинчликка бўлган интилишларига мос келади. ХХР ва Ҳиндистон республикаси бош министрларининг биргаликда чиқарган баёнотида, шунингдек ХХР ва Бирма иттифоқи бош министрларининг биргаликда чиқарган баёнотида бешта муҳим принцип: суверенитетни ва территориал бутунликни ўзаро ҳурмат қилиш; ҳужум қилишмаслик; бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик; тенглик ва ўзаро манфаатдорлик; тотув яшаш принциплари ифода қилинган. Бу принциплар Ҳинди-Хитой проблемасини ҳал этишда ҳам қўлланилиши мумкин. Вьетнам халқи биргаликда чиқарилган бу икки баёнотни қизғин табриклайди ва мен ишонамаки, биргаликда чиқарилган бу баёнотлар, шубҳасиз, Осиёда ва бутун дун'ёда тинчликка ёрдам беради.

3-нчи савол: Франция бош министри Мендес-Франс 17 июньда Франция Миллат мажлисида сўзлаган нутқида Ҳинди-Хитой проблемасига тўхталиб, Ҳинди-Хитойдаги уруш ҳаракатлари тезда тўхтатилиши керак деган эди. Президент жаноблари, Мендес-Франсниг ана шу баёноти ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?

Жавоб: Мен Мендес-Франс жаноблари-нинг бу интилишини қизғин табриклайман, броқ, Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тезроқ тўхтатиш учун биз Жанва кенгашининг муваффақият қозонишига халақит бермоқчи бўлаётган Америка империалистларининг сиёсатини барбод қилишимиз керак.

ШАРҚИ-ЖАНУБИЙ ОСИЁ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН АНГЛИЯ-АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ

ЛОНДОН, 8 июль. (ТАСС). Рейтер агентлиги Вашингтондан олиб хабар беради: Шарқи-Жанубий Осиёда Қўшма Штатлар таклиф этган ҳарбий иттифоқнинг «асосларни белгилаш тўғрисида» кеча «жуда махфий шароитда» Англия-Америка музокаралари бошланди.

Кеча Англия элчихонасининг Рангдаги вакили Роберт Скотт блан АҚШ давлат секретарининг ўринбосари Уолтер Беделл Смит ўртасида бўлган учрашувдан кейин ҳечқандай баёнот қилинмади, расмий вакиллар, бугун янги учрашув бўлиши ёки бўлмаслиги бизга ма'лум эмас, дедилар.

Давлат департаментининг вакили бу музокаралари «ташкилий процедуралари ишлаб чиқишни ва Шарқи-Жанубий Осиё учун пакт тузиш ҳақида музокаралар олиб бориш блан боғлиқ масалаларни ҳал этишни кўзда тутган дастлабки кенгаш» деб атаган.

АҚШНИНГ АТОМ ЗАВОДЛАРИДАГИ ИШЧИЛАРНИНГ ЗАБАСТОВКАСИГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 8 июль. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири Окридж ва Падьюкдаги атом заводларининг ишчилари АҚШнинг атом саноатя тарихида биринчи марта забастовка бошлаганликлари тўғрисида Окриджданхабар қилмоқда. Окриджда таҳминан 3 минг ишчи, Падьюкда эса 971 кишн иш ташлаган. Газ, кокс ва химия саноати ишчилари касаба союзининг а'зоси бўлган (бу касаба союзи ишлабчиқариш касаба союзлари конгрессида а'зодир) ва иш ташлаган бу ишчилар ишҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

Атом-энергияси комиссиясининг раиси Страус бу забастовка «миллий ҳавфсизликка таҳдид қилмоқда» деб расмий равишда президент Эйзенхауэрни хабардор қилганидан кейин президент бу конфликтни текшириш учун махсус комиссия тайинлаган. Мухбирнинг хабар беришича, ҳукумат вакили, агар заводлар 48 соат тўхтаб турса, у вақтда трубалардан ўтаётган материаллар конденсация қилади (қуйиқланиб қолади), бундай ҳолда, эҳтимол, заводларни қайтадан қуришга тўғри келади, деб айтган.

Ишлабчиқариш устидан кузатиб туриш «Юнион карбид энд карбон корпорейшн» фирмасининг «старший ходимига» топширилган. Бу фирма мазкур заводларда атом энергияси комиссиясининг подрячиги ҳисобланади.

ГВАТЕМАЛА ҲАРБИЙ ХУНТАСИ ИЧИДА ЖАНЖАЛЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 8 июль. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири ҳарбий хунта ичида ўзаро жанжаллар бўлаётганлиги ҳақида Гватемала шаҳридан хабар беради. «Янги ҳарбий хунтанинг бошқа а'золари, — деб ёзади мухбир, — Кастильо Армас блан тўла равишда ҳамкорлик қилмаётирлар».

«Нью-Йорк геральд трибюн» газетаси мухбири Бигартнинг хабар беришича, Кастильо Армас тарафдорлари ўзлари блан муваққат президент Монсон ўртасида кураш бўлиши мумкин деб айтмоқдалар. Мухбирнинг сўзига қараганда, армияда тиш-тирноғигача қуролланган Армас тарафдорларига қарши норозилик ҳукм сурмоқда.

ЭРОНДА ПОЛИЦИЯ ТЕРРОРИ

ТЕҲРОН, 8 июль. (ТАСС). «Дод» газетасининг хабар беришича, «кейинги кунларда халқ партиясининг актив раҳбарларидан 60 киши қамоққа олинган». Қамоққа олинган кишилар «халқ партиясидан чиқиш тўғрисидаги мажбуриятга қўл қўйишдан бош тортганликлари» учун улар Харек оролига (Эрон кўрфазида) сургун қилинадилар.

Индонезия блан Голландия ўртасидаги музокаралар тўғрисида Хитой матбуотининг ёзганлари

ПЕКИН, 8 июль. (ТАСС). «Дагунбао» газетаси Индонезия блан Голландия ўртасида Гаагада олиб борилаётган музокараларни шарҳлаб, ўзининг редакцион мақоласида бундай деб ёзади: Голландия — Индонезия иттифоқини тугатиш ва Ғарбий Ирианни Индонезияга қўшиб олиш тўғрисидаги талаб Индонезия халқининг ҳақли талабидир. Бу талаб миллий мустақиллик, территория бутунлиги ва суверен ҳуқуқлар учун курашаётган Индонезия халқининг истак ва орзуларини ифодалабгина қолмасдан, шу блан бирга, Осиёда туб ўзгаришлар рўй берганлигини ҳам кўрсатади. Осиё мамлакатларининг халқлари империализм зулмининг яна давом этишига тоқат қилиб қараб туроолмайдилар, ўз миллий манфаатларининг оёқ ости қилинишига йўл қўймайдилар, ўз мамлакатларини агрессия учун базага айлантиришга имкон бермайдилар.

Голландия мустамлакачилари, деб ёзади газета, — Индонезия блан бўлаётган музокараларда бема'ни йўл тутмоқдалар ва қайсарлик қилмоқдалар, бу соҳада уларни АҚШ тамомила қўллаб-қувватламоқда, чунки АҚШ ўзининг агрессив планларини кўзлаб, Голландия — Индонезия иттифоқини сақлаб қолишни истайди.

Словакия нашриётларининг фаолияти

ПРАГА, 8 июль. (ТАСС). Словакияда нашриёт ишлари кенг ривожланди. Чехословакия телеграф агентлигининг билдиришича, ҳар йили ўрта ҳисобда жам'и 12 миллион нусхада 1400 китоб нашр этилмоқда.

Словакияда 19 та нашриёт ишлаб турибди. Словакия нашриётлари словак классикларининг асарларини нашр этишга катта э'тибор бермоқдалар. Шунингдек сиёсий, илмий-оммабоп ва илмий адабиёт ҳам кўп нашр этилмоқдаки, илгари бу ерда бундай адабиёт нашр этилмас эди.

Уругвай матбуоти Американинг Гватемалага қилган агрессиясини қаттиқ қораламоқда

МОНТЕВИДЕО, 8 июль. (ТАСС). Уругвай матбуоти Американинг Гватемалага қилган агрессиясини ва унда ҳарбий диктатура ўрнатилганлигини қаттиқ қораламоқда.

«Эль дебате» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Гватемаладаги ҳарбий хунтанинг биринчи кўрган тадбири ер ислоҳоти тўғрисидаги қонунни ва «Юнайтед фрут компани»га қарашли ишланмасдан ётган ерларни мусодара қилиш тўғрисидаги қонунни бекор қилишдан иборат бўлганлигини эшитиб Америка қит'асининг аҳолиси ниҳоят даражада ғазабланди. Гватемалага қилинган агрессиянинг мақсади кучли четэл концернининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлганлиги аён бўлиб қолмоқда.

«Эль соль» газетасининг ёзишича, Гватемалада ҳарбий хунта ҳокимияти ўрнатилганлиги ва президент Арбеснинг исте'фо беришга мажбур бўлганлиги Америка қит'асидаги халқларнинг кўзини очди ва уларнинг «энг шармандали воқиани» кўришларига имкон берди. Газетанинг уқтириб ёзишича, кейинги воқиаларнинг ҳаммасига Гватемаладаги Америка элчисининг ўзи бевосита раҳбарлик қилган. Демак, Гватемаланинг суверенитетига шармандаларча ҳужум қилиш натижасида мамлакатда рўй берган аҳволни «Юнайтед фрут компани» хизматида бўлган агрессорларни ҳечбир уялмай қурол-яроғ блан та'минлаган ажнабий ҳукуматнинг ўзи ма'куллаган. Шундай қилиб, бел такидлайди газета, Гватемалада халқнинг ўз тақдирини ўзи эркин равишда белгилаши ўрнига, халқнинг тақдирини чет давлат белгилайдиган бўлиб қолди.

«Гватемаладаги воқиалар, — деб ёзади «Хустисиа» газетаси, — Америка империализмнинг йиртқич башарасини Америка қит'асидаги халқларга яққол кўрсатиб берди. Гватемаланинг қонуний ҳукуматига қарши ички ва ташқи фитнани Америка империализмининг ўзи тайёрлади. У, қонунларни ҳам, конституцияни ҳам ҳечнарсани ҳам назар — э'тиборга олмади... Мана шуларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, мамлакатларимизнинг чинакам озод бўлишини истар эканмиз, у ҳолда Америка қит'асининг халқлари империалистларнинг чангалларини қирқиб ташлашлари лозим.

ТУРКИЯДА ҚИММАТЧИЛИК

ИСТАМБУЛ, 8 июль. (ТАСС). «Дун'ё» газетаси Туркия экономика ва савдо министрлигининг ма'лумотларига асосланиб хабар беради, Туркияда нархнаво ўтган йилдагига нисбатан қуйидагича ошган: баққоллик моллари 11 процент, гўшт, ёғ ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари 11.1 процент, саноат моллари 14,6 процент қимматлашган.

ТУРКИЯДА ИШСИЗЛИК КУПАЙМОҚДА

ИСТАМБУЛ, 8 июль. (ТАСС). «Дун'ё» ва «Ватан» газеталарининг хабар беришича, Истамбулда хомаш'ё танқислиги сабабли 11 та йигириш фабрикаси ёпилган. 6 минг ишчи ёки ишлабчиқаришнинг шу соҳасида банд бўлган кишиларнинг 80 процентн ишсиз қолган.

«Ватан» газетаси йигириш фабрикаларининг ёпиб қўйилиши тўқимачилик саноатининг бошқа тармоқлари корхоналарини ҳавф остига қўяди, деб кўрсатади. Агар хомаш'ё кризиси яна 20 кун давом этса, деб ёзади газета, у вақтда жунтўқимачилик фабрикаларида ишлаётган 30 минг ишчи ишсиз қолади.

АМЕРИКАНИНГ ЭРОНДАГИ КИРДИКОРЛАРИ

ТЕҲРОН, 8 июль. (ТАСС). «Иттиҳоди миллий» газетасининг ёзишича, «Эрон армияси кундан-кунга кучайтирилмоқда ҳамда Ўрта Шарқдаги бошқа мамлакатлар блан катта ҳамкорлик қилишга тайёрланмоқда. Американинг ҳарбий ёрдами кун сайин кўпайтирилмоқда».

Мамлакатнинг ғарби-шимолий районларига бориб келган мухбриларимиздан бири, деб давом этади газета, у ерда «ҳамма жойда Эрон чегараларини мустаҳкамлаш воситалари тайёрланмоқда», деб айтган. Хуллос, деб ёзади газета, халқаро миқ'ёсда бўлажак катта воқиаларда Эрон ҳам муайян роль ўйнайди.

Шунингдек, газета «Эроннинг ҳарбий-ҳаво кучларини мустаҳкамлаш учун ҳам қат'ий чоралар» кўрилган, деб та'кидлайди.

Шундай қилиб Эрон газетаси АҚШнинг Эронни Туркия — Покистон ҳарбий блокига тортиш ҳамда Эронда ҳарбий тайёргарликни ҳартомонлама кучайтириш мақсадидаги кирдикорларини тасдиқлайди.

АҚШНИНГ ЯПОНИЯГА НИСБАТАН ТУТАЁТГАН СИЁСАТИГА ҚАРШИ АНГЛИЯДА НОРОЗИЛИК

ЛОНДОН, 8 июль. (ТАСС). «Дейли телеграф» энд морнинг пост» газетаси парламент а'зоси Уолтер Флетчернинг хатини э'лон қилди. Шу хатда Уолтер Флетчер япон концеринларини ва монополияларини яна тиклаётган ҳамда Англияга қарши конкуренция кураши олиб боришда Японияни рағбатлантираётган Қўшма Штатларнинг сиёсатидан норозиэканлигини билдирган.

Флетчер бундай деб ёзади: Қўшма Штатлар Японияни яна қуроллантирдилар, пул блан та'минладилар ва Ғарбдаги саноат мамлакатлари учун янада даҳшатлироқ конкурентга айлантирдилар».

ЦЕЙЛОНДА ЗАБАСТОВКА ҲАРАКАТИ

ДЕҲЛИ, 8 июль. (ТАСС). Ҳиндистон информация бюроси билдиради: Кеча Цейлонда бирдамлик юзасидан бир кунлик забастовка бўлиб ўтди. Забастовкада плантацияларнинг ишчиларидан 500 минг киши қатнашди. Сингалез ишчиларидан 20 минг киши уларга қўшилди. Бу забастовка Цейлон демократик конгресс партиясининг ташаббуси блан э'лон қилинди. Демократик конгресс партияси Цейлон ҳукуматининг ҳинд миллатидан бўлган кишиларга нисбатан камситиш сиёсати юргизаётганлигига қарши норозилик билдиришга чақирди.

СИНГАПУРДАГИ ҲАРБИЙ КЕНГАШ ҲАҚИДА ИНДОНЕЗИЯ МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ЖАКАРТА, 8 июль. (ТАСС). Индонезия газеталари АҚШ, Англия, Франция ва Австралия қуролли кучлари вакилларининг Сингапурдаги маҳфий кенгашига катта э'тибор бермоқдалар. Газеталарнинг қайд қилиб ўтишича, бу ҳарбий кенгаш АҚШнинг Шарқи-Жанубий Осиёда агрессив блок тузишга қаратилган умумий планлари блан боғлиқдир ва Сингапурда Ҳинди-Хитойдаги уруш ҳаракатлари синчиклаб анализ қилинмоқда.

ПАТЕТ-ЛАОДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ШАНХАЙ, 8 июль. (ТАСС). Вьетнам информация агентлигининг билдиришича, Патет-Лао Халқ озодлик армияси ва халқининг қишки-кўкламги кампания даврида муваффақиятларга эришганликлари натижасида Патет-Лаодаги қўғирчоқ қўшинларнинг руҳи жуда тушиб кетаётир. Расмий ахборотга кўра, шу йилнинг дастлабки тўрт ойи ичида Вьен-Тьян вилоятида қўғирчоқ армиядан 1.125 солдат қочиб кетган.

Ахборотда айтилишича, Патет-Лао Халқ озодлик армияси ўтган уч ой ичида французларнинг Патет-Лаодаги муҳим сиёсий маркази бўлган Вьен-Тьянда душманнинг 20 постини яксон қилган ёки душманни ўз постларини ташлаб кетишга мажбур этган. Бу ғалаба қўғирчоқ қўшинларнинг солдатлари орасида жуда катта саросима туғдирди ва улар дастлаб якка-якка ҳолда, сўнгра эса группа-группа бўлиб қочиб кетабошладилар.

Хотин-қизлар орасида шахмат бўйича мамлакат биринчилиги учун

РИГА, 8 июль. (ТАСС). Хотин-қизлар орасида шахмат бўйича мамлакат XVI биринчилиги учун бўладиган мусобақанинг кеча бу ерда Рига яримфинали очилди. Турнирда тўқиз иттифоқчи республика, Москва ва Ленинград шаҳарларининг вакилларидан иборат ўнтўрт киши қатнашмоқда. Бу шахматчи хотин қизлар орасида Топоркова (Москва), Вендрова (Қирғизистон ССР), Кокшарова (Украина ССР), Вольперт (Ленинград), Лихтенфельд (Литва ССР), Бергер (Тожикистон ССР), Стрелова (РСФСР), Гогиава (Грузия ССР) бор.

Мусобақа 29 июльгача давом этади.

Юзкатакли шашка бўйича Узбекистон чемпионати

Максим Горький номли маданият ва истироҳат паркида республика биринчилиги учун юзкатакли шашка бўйича мусобақалар бошланди. Бундай мусобақа биринчи марта ўтказилмоқда. Турнирда Ўзбекистоннинг энг кучли шашкачилари: спорт мастери Ёқубов, мастерликка кандидатлардан Александров, Берштейн, Гуляев, Гавриленко, Канишчикер, Шокиров, Черкасский, биринчи разрядлилардан Давидов, Назаров, Ютландов, Кабаков, Ханелис ва бошқалар қатнашмоқда. Турнирда конкурсдан ташқари РСФСР чемпиони спорт мастери Н. Стретенский ҳам қатнашмоқда.

Биринчи даврада Полоусов блан Кабаков ўртасидаги ўйин энг олдин тамом бўлди. Бунда Полоусов таслим бўлди. Александров Назаровга ютқазди. Канишчикер Косяковский устидан ғалаба қозонди. Гавриленко Гуляевни, Ютландов Шокировни ютди. Ханелис блан Берштейн ўртасидаги ўйин кечиктирилди.

Спорт хроникаси

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги республика мактаб ўқучиларининг VII спартакиадасини ўтказади. Спартакиада 10 июль соат 18 да «Динамо» стадионида бошланади. Бу стадионда енгил атлетика ва баскетбол мусобақалари бўлади. Сузиш мусобақалари Комсомол кўлида «Буревестник» сув станциясида ўтказилади. Отиш бўйича мусобақа ДОСААФ тирида ўтказилади.

* * *

Ўзбекистонда спортни оммавий тарзда янада юксалтириш, ёшларни физкультура ва спортга кўплаб жалб қилиш мақсадида 1954 йил 18 июльдан бошлаб Тошкентда ҳар йили «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасининг мукофоти учун аралаш эстафета ўзказилабошлайди. Мусобақага қатнашучи командаларнинг состави 20 кишидан иборат бўлиб, улар югуриш, велосипед пойгаси, сузиш, мотоцикл пойгаси ва қайиқда сузиш бўйича мусобақалашадилар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Хитой қишлоқ хўжалигининг юксалиши

Ли Хэ

Хитой халқи ўзининг Коммунистик партияси раҳбарлиги остида мамлакатда жуда катта демократик ўзгаришларни амалга оширди, халқ хўжалигининг барча соҳаларининг қайтадан тикланишига ва янада тараққий қилишига эришди, ишчилар синфи раҳбарлигидаги ишчи ва деҳқонлар иттифоқига асосланган халқ демократик ҳокимиятини янада мустаҳкамлади ва ҳозирги пайтда планли иқтисодий қурилиш ишларини икки йилдан бери муваффақиятли равишда олиб бормоқда.

Хитой Коммунистик партиясининг бош йўли ва мамлакат иқтисодий тараққиёти соҳасидаги асосий вазифалар — саноат жиҳатидан илгаридан қолоқ бўлиб келган Хитойни секин-аста социалистик индустрия мамлакатига айлантириш, қишлоқ хўжалиги ва кустарчилик саноатини секин-аста социалистик йўлда қайта қурилишиҳ амалга оширишдан иборатдир.

Хитой халқ Республикасида ишлабчиқариш кучларининг ўсишида аграр реформа ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Бу реформа феодал эксплуатацияси системасини йўқ қилди. 300 миллиондан кўпроқ кам ерли ва ерсиз деҳқонлар 47 миллион гектарга яқин ер олдилар. Деҳқонларга қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришини кенгайтириш учун қарз берилди, техника жиҳатидан ҳартарафлама ёрдам кўрсатилди. Эски ирригация иншоотлари тузатилди ва янги йирик ирригация иншоотлари қурилди. Шаҳар блан қишлоқ ўртасида товар айирбошлаш яхши йўлга қўйилди.

Хитой Коммунистик партияси ва Хитой халқ ҳукуматининг қишлоқ хўжалик соҳасидаги доно сиёсати деҳқонларнинг ишлабчиқариш активлигини уйғотди. Меҳнатда ўзаро ёрдам бериш группаларини ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативларини тузиш учун ҳаракат йилдан-йилга кенгаймоқда. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришининг ўсиши учун мисли кўрилмаган имкониятларни яратди. Коммунистик партия ва халқ ҳукуматининг мана шу ва бошқа тадбирлари туфайли ва кенг деҳқонлар оммасининг ишлабчиқаришдаги активлиги туфайли Хитойда қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш даражаси илгаригига қараганда анча ошиб кетди ва у йилдан йилга ривожланиб бормоқда. 1952 йилда 1949 йилдагига қараганда ғалла ишлаб чиқариш 145 процент, пахта етиштириш 291 процентни ташкил этди. 1953 йилда бирқанча районлар табиий офатларга дучор бўлганларига қарамай, ғалла ишлаб чиқариш 1952 йилдагига қараганда бирмунча ошди. Пахта етиштириш табиий офатлар рўй берганлиги сабабли 1952 йилдагига қарганда бирмунча камайди, лекин 1951 йилги даражадан 22,9 процент ошиқ бўлди.

Халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари ривожланмоқда, саноат марказлари ва шаҳарлар ўсмоқда. Бутун Хитой халқининг турмуш даражаси йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Масалан, ип ғазлама сотиш 1950 йилги даражага нисбатан 1951 йилда 173 процентни, 1952 йилда —230 процентни, 1953 йилда эса—343 процентни ташкил қилди.

Мамлакат экономикасининг янада ривожланишини та'минлаш учун аҳолини озиқ-овқат блан, саноатни эса ҳомаш'ё блан яхшироқ та'минлаш учун Хитой ўз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириши керак. Қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ўстириш — ҳозир Хитойда планли иқтисодий қурилиш ишининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди. Шу йил ғалла ҳосилини ўн миллиард цзиньга[1] ва пахтани бирнеча миллион даньга[2] ошириш, шунингдек техник экинлари экишни бирмунча кенгайтириш ва чорвачиликни ривожлантиришга эришиш керак.

Хитой халқи Хитой Коммунистик партияси бош йўлининг ўтиш давридаги энг муҳим таркибий қисми бўлган бу катта вазифани амалга ошириш учун сабот блан меҳнат қилмоқда.

Бу йил мамлакатдаги экин майдонлари ўтган йилдагига нисбатан кенгайтирилди: кузги буғдой экиладиган ер 20 миллион му[3] ошириди, пахта экиладиган ер 6 миллион му ошириди. Хитойда экин майдонларини анча кенгайтириш учун ҳозирча имконият йўқ, броқ, мамлакатнинг индустриялаштириш ишини амалга оширган сари ва қишлоқлар қишлоқ хўжалик машиналари блан янада кўпроқ та'минланган сари бу имкониятлар секин-аста ошиб боради. Ҳозирги вақтда дон, пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада кўпроқ етиштиришнинг асосий шарти ҳосилдорликни оширишдир. Биз ўртача ҳосилни энг юқори ҳосил блан таққослаб кўрсак, ҳосилдорликни ошириш — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада кўпроқ етиштириш учун нақадар катта имкониятлар беражагини кўрамиз.

Хитой территорияси жуда ҳам каттадир. Мамлакатнинг жанубидан тортиб шимолигача дон, пахта ва бошқа экинлар экилади. Табиий шароитлар ҳамма ерда ҳархилдир, лекин табиий шароит бирхил бўлган жойларда ҳам ҳосилдорлик ҳархилдир. Бутун мамлакат бўйича буғдойнинг ўртача ҳосили бир му ердан — 100 цзинь, энг юқори ҳосилли — 1300 цзиньдир; шолининг ўртача ҳосили — 300 цзинь, энг юқори ҳосили эса — 1.700 цзинь; пахтанинг ўртача ҳосили — 100 цзинь, энг юқори ҳосили эса — 1.300 цзиньдан ортиқ.

Демак, агар барча қишлоқ хўжалик экинларининг ўртача ҳосилини ма'лум даражада оширилса, бу ялпи ҳосилни жуда кўп оширишга имкон беради. Жанубий-Марказий Хитойда ҳамма олти провинцияда бу йил ўтган йилга қараганда ғалланинг ялпи ҳосилини 5,7 процент, пахтанинг ялпи ҳосилини тахминан 29 процент, чойнинг ялпи ҳосилини — 7 процент ошириш вазифаси қўйилди. Шимолий Хитойда Хебей провинциясида шу йил ҳар му ердан ўртача 146 цзиньдан ғалла етиштирилиши керак, бу — ҳосил ўтган йилдагига нисбатан 24.3 процент ошади демакдир.

Хитойда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун кураш иккита асосий йўл блан, я'ни меҳнат блан ўзаро ёрдамлашиш группаларини ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативлари группаларини тузиш ҳаракатини ҳартарафлама кенгайтириш йўли блан ҳамда янги агротехника ва илғор тажрибани жорий қилиш йўли блан бормоқда.

Масалан, Шаньси провинциясида деҳқонларни меҳнат блан ўзаро ёрдамлашиш группаларига бирлаштириш натижасида биринчи йилиёқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлабчиқариш 20—30 процент ошди ва кейинги йилларда янада ошиб борди. Бу йил, баҳорги экиш олдидан қишлоқни кооперативлаштириш учун олиб борилган ҳаракат янада кучайиб кетди, бунинг натижасида Хитойда апрель ойигача юз мингга яқин қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативлари ташкил қилинди.

Хитой қишлоғини кооперативлаштириш учун олиб борилаётган ҳаракатнинг қанчалик кенг ёйилганини яққол кўрсатиб бериш учун Шаньси провинциясининг Пиншунь уездини олиб кўрамиз. 1951 йил апрелида бу ерда биринчи қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативи ташкил қилинган эди. Биринчи йилнинг ўзидаёқ кооператив ҳар му ердан 423 цзиньдан ғалла ҳосили олди, ёки 1950 йилдагига қараганда 32,7 процент кўпроқ ҳосил олди; кооперативнинг олган ҳосили якка деҳқон олган ҳосилдан 44 процент ошиқ бўлди.

Қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперациясининг афзаллигини ўз кўзлари блан кўрган атрофдаги қишлоқ деҳқонлари ҳам кооперацияларга бирлашабошладилар ва 1952 йилда Пиншунь уездида 10 та қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативлари вужудга келди. Бу кооперативларнинг ҳар му ердан оладиган ўртача ғалла ҳосили 517 цзиньга етди, я'ни 1951 йилдагидан 71,7 процент ошди; якка деҳқонлар олган ҳосилга қараганда кооперативлар олган ҳосил 125 процент юқорироқ бўлди.

Деҳқонлар ҳамма ерда актив суратда қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативларига кирабошладилар. Улар ўзларича мана бундай дер эдилар: «Якка хўжалик — арава, меҳнат блан ўзаро ёрдамлашиш группаси — автомобиль, қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативи — поезд. Коммунистлар эса бизни янги ҳаёт томон бошлаб олиб бораётган паровоздир». 1953 йилнинг бошида Пиншунь уездида 110 кооператив бор эди. Бу йил катта табиий офат юз беришига қарамай, қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативларида ғалла етиштириш яна бир қадар ошди. Ўртача ғалла ҳосили 1952 йилдагига қараганда 14,8 процентга, якка деҳқонлар ҳосилига қараганда эса 46,5 процентга ошди.

Қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативлари Хитой қишлоқ хўжалигини юксалтиришда муҳим роль ўйнайди. Бу кооперативлар деҳқон хўжалигини коллектив хўжаликлар тузиш йўлидан ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини янги, янада кўпроқ юксалтириш йўлидан изчиллик блан олиб бормоқда.

Хитой деҳқонлари деҳқончиликка янги агротехникани жорий қилиш учун халқ ҳукуматининг ёрдами блан қаттиқ кураш олиб бормоқдалар. Илғор совет агротехника фани томонидан ишлаб чиқилган буғдой экиш усуллари муваффақиятли суратда қўлланилмоқда. Мамлакат озод этилгандан кейин кўп вақт ўтмаёқ, буғдойни зич қилиб экиш (бунинг учун имконият бўлган районларда) кенг қўлланилди, ҳарбир гектар майдонга тўғри келадиган экин нормаси анчагина ортди. 1953 йилда совет пахтакорларидан ўрнак олиб, 48 миллион му ерга юқори нав'ли пахта экилди.

Синьцзян провинциясида, Манас дар'ёсининг водисида фақат уч йилдан буён пахта экилмоқда. Совет мутахассисларининг ёрдами блан бу ерда совет пахтачилигининг илғор методлари жорий қилинди. 1953 йилда 20 минг му пахта майдонининг ҳар мусидан ўртача 402 цзиньдан ҳосил олинди. 72,45 му ернинг ҳарбир мусидан ўртача 800 цзиньдан кўпроқ, 1,6 му ернинг ҳарбир мусидан эса ўртача 1.349 цзиньдан ҳосил олинди.

Меҳнат блан ўзаро ёрдамлашиш ва кооперацияни ривожлантириш, янги агротехникани ўзлаштириш, деҳқонларнинг ишлабчиқаришдаги ташаббуси кўпгина ҳақиқий меҳнат қаҳрамонларини етиштирди. Уларнинг илғор тажрибаси мамлакатнинг бойлиги бўлиб қолди.

Партия ташкилотлари қишлоқ хўжалигига, хусусан, илғор тажрибани ёйишга катта э'тибор бермоқдалар. Масалан, Хэйлунцзян провинциясидаги Чжаоюань уездида партия уезд комитети ўзининг секретари Жэнь Го-дун бошчилигида қишлоқ хўжалик илғорларининг тажрибасини катта э'тибор блан умумлаштирмоқда, уни деҳқонларнинг кенг оммаси орасига ёймоқда. 1952 йилда бутун уезд бўйича ҳосил 50 процент ошди. 1953 йилда Чжаоюань уездининг илғор тажрибаси бутун Шимоли-Шарққа ёйилди. Натижада озиқ-овқат экиларининг ялпи ҳосили бир миллион тонна ошди.

Шаньдун провинциясининг барча уездларида агротехника станциялари ташкил қилинди. Баҳорги экиш арафасида тажриба олмошиш юзасидан ҳамма жойда қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгашлари бўлиб ўтди, ба'зибир уездларда эса қишлоқ хўжалик виставкалари ва агротехника курслари ташкил қилинди.

Хитой халқининг қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришни юксалтириш йўлида қилаётган ғайратининг дастлабки натижалари ҳозирданоқ кўринмоқда.

Хитойнинг бепоён далаларида турли муддатларда ҳосил йиғиб олинмоқда. Масалан, кузги буғдой жанубда январьнинг охиридаёқ йиғилабошланса, шимолда — июльнинг охирига келиб тамом бўлади. Бу йил кузги буғдой ҳосили ўтган йилдагига қараганда камида беш миллиард цзинь ошади. Пахта экиш муддатидан илгари, май ойида тугалланди. Бу йил ҳам пахта ҳосилининг ошиши кутилади.

[1] Цзинь — 0,5 кг.
[2] Дань — 50 кг.
[3] 1 му — 0,06 гектар.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 10/VII да **Гамлет**, 11/VII да **Қутлуғ қон**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 10/VII да **Муқимий**, 11/VII да **Тоҳир ва Зуҳра**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА.

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 11 да **Тош гул**, кеч соат 10 да **Йўлбарс Акбар**.

СОБИР РАҲИМОВ номли — кундуз ва кечқурун **Оддий аскар Александр Матросов**.

«ИСКРА» — эрталаб соат 9—40 10—20 минут ва соат 11 да **Тоғлар орасидаги застава**, кеч соат 9 дан **Венеция кечаси**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 10 да **Маскарад**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кеч соат 8 яримда **Любовь Яровая**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — **Денгиз сафарида**.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«9-НЧИ МАЙ» — **Аршин